


• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •

БАЙРАМ МУБОРАК!



Р. АЛЬБЕКОВ, М. БОЛТАБОВЕВ ва Ҳ. СОЛИҲОВ суратлари

БУЮК ИСТИҚЛОЛ КИШИЛАРИ

Мустақиллик шабадаси инсонлар қалби-га эрк, озодлик, ҳурлик сингари эркин туй-гуларни сингдириб, қуллик, қарамлик деган чиркин нарсаларни сиқиб чиқарди. Тарихи, келажаги, ўзлиги ўз қўлида бўлган халқи-миз бугун мустақиллигининг 3 йиллик тўйини кенг нишонламоқда. Тўйга тўёна билан, қалбида эзгу ниятлари билан келган кишиларнинг эҳтирослари бир олам. Ана шу ёниқ эҳтиросларни баҳам қўриш мақ-садида пойтахт шаҳримизда турли ёшда-ги, турли касбдаги кишилар орасида бўлиб, уларнинг юрагига қулоқ тутдик.



Шухрат ХУДОЙБЕРДИЕВ

17 ёшда

— Мустақиллик туйғуси билан ҳамна-фас ёш қалбингиздан айни кунда нималар кечмоқда?

— Ота-боболаримиз орзу қилган ҳур замонларга етишиш nasib қилган экан, бундан фахрланаман. Ниятим яхши ўқиб, малакали мутахассис бўлиб етишиш. Дунёни танисам, шу юртимизга муносиб фарзанд бўлсин дейман.



Райҳона КОМИЛОВА

Тошкент Давлат Техника До-рилфунчунининг «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедраси аспиранти.

— Айтингчи Райҳона опа, бизнинг буюк истиқлол мана шу 3 йил давомида халқи-мизга нима берди?

— Бўлажак тарихчи сифатида айтадиган бўлсам, мустақиллик шарофати билан халқимиз тарихидаги сохта ниқоблар пар-чаланиб, миллийлигимизга, ўзлигимизга, аслимизга қайтаямиз. Унут бўлаёзган қадриятларимиз қайта тикланмоқда. Тари-хий, маданий ёдгорликлар қайта таъмир-ланиб, уларнинг тарихи янада чуқурроқ ўрганилмоқда.

Тарих ҳеч қачон ёлғон сўзламайди. Биз-нинг вазифамиз эса ўша ҳаққоний тарихни халқимизга ойдинлаштириб беришдир.



Рустам ШАРИПОВ

юрист-маслаҳатчи,

56 ёш

— Адлия ходими сифатида мустақил-ликни қандай ҳис қиласиз?

— Буюк истиқлолимиз сабаб давлати-миз дунёга танилапти. Унинг ҳар бир фу-қароси руҳан ҳам жисман эркиндир. Бу-гунги кунда ҳар бир одам ўз фикрини эр-кин айтиши мумкин. Шунингдек, мустақил давлатимиз ўзининг мустақил қонунлари-га эга бўлди. Қонун — бу ҳаётимиз, тур-мушимиз йўриқномасидир. Мустақиллик мана шу йўриқномани янада мустаҳкам-лашда катта рол ўйнамоқда.

УШБУ СОНДА:

БОЛАЛАР ДУНЁСИ
ЭНГ КАТТА СЕҲР

3-БЕТ



БУ БЎСТОН САҲНИДА
ГУЛ ҚЎП, ЧАМАН ҚЎП

6-БЕТ

«Оила ва жамият» 33 (156)

БУЮК ИСТИҚЛОЛ КИШИЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Мунира РОЗИҚОВА
врач

— Мустақил давлатимизнинг эртанги кунига қандай қарайсиз!

— Уз ҳақ-ҳуқуқини қўлга киритган миллатимиз ҳар жабҳада муваффақиятларга эришмоқда. Шу жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам анча қўлайликлар яратилаёпти. Бугунги кунда касалликларни аниқлаб бермоқда. Хуллас халқимизнинг эртанги кунини янада ёрқин эканлигига ҳеч шубҳам йўқ.

Марвин ЭНЖУС
америкалик, учувчи.

— Кечирасиз, жаноб Марвин, Ўзбекистоннинг мустақилликкача бўлган даври ва мустақилликдан кейинги даври орасида асосан нима фарқни кўрасиз!

— Давлатингизни мустақилликкача деярли тан олмасдилар. Ҳатто Ўзбекистон ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдик. Мустақил бўлганларингиздан кейин дунё сизларни тан олаёпти. Уз йўлларингиздан бораёпсизлар. Шахсан мен сизларнинг келажакларингизга ишонаман. Ва бутун халқимиз номидан сизларга омад тилаб қоламан.

Аҳмаджон КАРИМОВ
нафақахўр, 66 ёшда.

— Амаки, мана байрам руҳи уфуриб турган Мустақиллик майдонида сайр қилиб юрган экансиз, кўнглингиздан нима ўй-хаёллар кечди!

— Мустақиллик бизга нафақат эркинликни, балки иймон, эътиқодимизни ҳам қайтариб берди. Доим ана шундай соғлик, тинчлик бўлиб, мустақиллигимиз барқарор бўлсин, дейман. Ана шунда юрт обод бўлиб, мана шундай катта тўйлар бўлади.

Алижон САФАРОВ



«ОҚ САРОЙ»НИНГ ЭЗГУ НИЯТЛАРИ

«Оқ сарой» ансамбли қадимий ёзув Шохрисабзда ташкил топган.

Ансамбл фаолиятини бошлаганига ҳали унча узоқ бўлмаган бўлса-да, кўпчилик томошабинлар олқишига сазовор бўлди, доврўги мамлакатни тутди.

Алишер Раҳмонов мана шу ансамблнинг илк ташкилотчиси, раҳбари. Алишернинг асли касби ўймакор. Халқ оғзаки ижодидан терма қўшиқлар айтиш, уларни лозим бўлса қайта басталаш севимли машғулоти.

— Алишержон, йигитларни йиғиб халқ оғзаки ижодига оид ажойиб бир гуруҳ тузибсиз. Катта масъулиятли, савобли ишни бошлабсиз. Лекин, ансамблингизда фақат йигитлар!..

— Ҳар қандай янги бир ишни бошлаш оғир бўлади. Фидойилик талаб қилади. Ансамблимизда бор-йўғи 6 нафар йигитимиз бор. Дастлабки вақтларда ертўлада машқ ўтказдик, машинамизни сотиб мусиқа асбоблари олдик, хуллас, барча қийинчиликларга чидадик. Худога шукр, меҳнатларимиз зое кетмади, қийинчиликлар ортда қолди. Хотин-қизларни шу вақтгача таклиф қилмаган

нимизга сабаб шу. Уларни қийнашни истамасдик. Мана, энди марҳамат, қабул қилаверамиз!

— Айнан фольклор мавзусидаги қўшиқлар айтишни танлабсизлар. Сабаби нимада!

— Ҳеч эътибор қилганмисиз, халқимиз ижод этган қўшиқ, лапарларнинг оҳанг зўр. Ҳар бир сўз теран маънога эга, эзули сари йўллайди. Мана бир мисол:

— Йиғлама қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр. Олтин қозик қоқилган Уй сеники, ёр-ёр.

Мақсад мана шундай ажойиб, унутилаёзган қўшиқларимизни тиклаш, миллий характеримизни ифодаловчи умрбоқий халқ оғзаки санъатининг ривожланишига ҳисса қўшиш.

Бемаъни қўшиқлар, ҳар хил даранг-дурунг мусиқаларни эса, хушламайман.

— Алишер, сизлар саҳнага чиққанда доим бир нарса мени қувонтиради. Яъни хушбичим, ярашиқли миллий либосларингиз. Аммо баъзи бир хофиз, хонандаларнинг беўхшов либосларидан тутақиб кетасан киши...

— Айнан кўнглимдаги гапни айтдингиз. Бу мени ҳам шу кунларда ташвишлантираётган эг оғир муаммо. Саҳна бу жамоат кўзгуси. Шу сабабли ҳам саҳна пок бўлмоғи

керак. Сочи бўйига тушган йиғитларга, ярим яланғоч қизларга саҳнада ўрин бўлмадлиги керак.

— Мустақиллик сизга нима берди!

— Эрк, қадр-қиммат. Менга ёққан томони, ҳар ким қобилиятига, ҳаракатига кўра яшайди. Олдинги юзаки тўкин-сочинлик, турғунлик йилларини кўнсаганлар хато қилади. Чунки ҳозирги қийинчиликлар ҳаммаси ўткинчи. Ўзбекистонимизнинг эртаси порлоқ. Унинг мустақиллик пойдеворини биз ёшлар мустаҳкамлаймиз.

— Ансамбл репертуарида нечта қўшиқ бор!

— 36 га яқин.

— Гуруҳингиз нима учун «Оқ сарой» деб номланган!

— Мен жуда художўйман. Қўлим қай ишда бўлмасин дилимда худо. Негадир бир ишни бошласам қандайдир ички бир нидо, ишонч, юксаклик далда бераверади. Ниятим Оқ саройдек умрбоқий, эзгуликка чорловчи қўшиқлар яратиш. Йиққан-тиққанганимизни оз бўлса-да, шаҳримиз ўртасида қад кўтариб турган Оқ сарой биносини таъмирлаш ишларига қўшиш. Бобомиз Амир Темир руҳларини шод этиш.

— Илоё мақсадингизга эришинг!

— Раҳмат.

Дилбар РАҲИМ қизи

Етти кун

ҚОДИРИЙ БОБОМИЗ БИРИНЧИ

Мустақиллик байрами арафасида халқ манфаати йўлида рибъат чеккан юртдошларимиздан бир гуруҳи ҳукумат томонидан турли орден ва медаллар билан тақдирландилар. Президент қарорига мувофиқ, яқинда таъсис этилган «Мустақиллик ордени»нинг илк нишондори Абдулла Қодирий (Жулқунбой) бўлди.

УДУМ

Халқимизда удум бўлиб қолган яхши одат бор. Яхши-ёмон кунларида бева-бечораларнинг, етимларнинг, бетоб ва ногиронларнинг кўнглини сўрайди. Уларга имкон қадар ҳиммат қўлини чўзади. Узун тумани халқи ҳам ана шу эзгу удумни давом эттириб, байрам арафасида ҳашар ўтказишди. Ҳашардан тушган маблағ эса, туман ногиронлар жамиятига ўтказилди.

ЯПОНЛАР ТАШРИФИ

Наманганга ташриф буюрган бир гуруҳ япон ишбилармонлари шаҳардаги «Аврли шойи газламалар бирлашмаси» билан қизик қўлишди. Қизиқиш эса изсиз кетмайдиган бўлди. Бирлашма раҳбарияти японлар билан ипак-пелла чиқитини қайта ишловчи қўшма корхона қуришни келишиб олдилар.

БУГУН ЖАНЖАЛ ҚИЛМАНГ!

1994 йил — Халқаро оила йили деб эълон қилинган маълум. Наманган вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ эса, 5 сентябр вилоятда оила кунини деб белгиланди. Наманганликлар бу кунни оилавий жанжаллардан ҳоли, кирди-чиқдисиз, иноқлик ва хуррамликда ўтказишни ният қилишмоқда.

Ўйлаймизки, наманганликлар 5 сентябрдан бошқа кунлари ҳам ана шу ниятлардан воз кечмасдан яшайдилар.

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВГА

Навой вилояти Болалар уйи мураббийси Мунаввар Пардаевани кўпчилик яхши танийди. Бу меҳридарё аёл мураббийлик фаолияти билан бирга ўз уйида 18 нафар қаровчисиз болани тарбияламоқда.

Яқинда Навой кон металлургия комбинати Мунаввар опани Мустақиллик байрами билан кўтлади. Опахон комбинат томонидан совга қилинган «РАФ» маркали автомашинани қабул қилиб олди.

ҚУШАЛОҚ ТҮЙ

Мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллик байрами Қашқадарёда ўзгача файз билан ўтмоқда. Бу ерда байрам вилоятнинг 70 йиллик тўйи билан қўшилиб катта тантана касб этди. Қашқадарёликлар қўшалок тўй муносабати билан турли шiorлар остида байрам беллашувлари, томошалар, учрашувлар уюштириб кўнгиллари хушнуд этишмоқда.

ҲАТТО ҚЎГИРЧОҚЛАР ҲАМ

Бухоро вилояти Қўғирчоқ театри жамоаси байрамга атаб кичикинтойларга «Қўғирчоқлар қўшиқ куйлайди» деб номланган антиқа томоша дастурини намойиш этишмоқда. Кичикинтойлар эса, байрамни мадҳ этаётган қўғирчоқлар қўшигини тинглаб маза қилишмоқда.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ



ХАЗОНЛАРГА АЙЛАНМАГИН ЕЗ...

РАК КАСАЛИДАН
САҚЛАЙДИГАН НЕЪМАТЛАР

Ал-Азхар университети озиқ-овқат моддалари кафедраси мудири Мустафо Абдураззоқ энг сўнги илмий изланишларида рак касалининг олдини оладиган хусусиятларга эга бўлган 40 хил озиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлигини кўрсатди. Шу тариқа «бу дард билан курашишда қўл келадиган биринчи илмий рўйхат-таомнома яратилди», деса бўлади деди у.

Бу рўйхатнинг дастурхонида кўк чой, саримсоқ пиёз, райхон ва қизғиш гуруч турадик, улар таомнаманинг асосини ташкил этади. Уларга яна баъзи кўкатлар ва дон маҳсулотлари қўшилса, улар ўз таркибидаги табиий ўсимлик ва кимёвий моддалари билан тана-жисмга биологик озуқа ва активлик баҳш этади ва шу йўсинда рак касалига қарши табиий тўсиқ қўйилади.


Докторнинг кўрсатишича, кўк чой яшил хлорофил моддасига бой, унда асабни қўзғатувчи кофеин ҳам, темир моддасининг сўрилишини камайтирадиган танинот ҳам кам бўлади. Кўк чойда ранга қарши таъсир этувчи табиий кимёвий моддалар мажмуаси бордир.

А. ПУЛАТОВ

Бошқотирма

«ЎЗБЕКИСТОН»
ТОДҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзлар жавоби шаклда рақамли хонадан ёй йўналиши бўйича марказ томон ёзилади.



1. Ўзбек миллий уйғониш адабиёти асосчиларидан бири «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари муаллифи.
 2. Таниқли ҳикоянавис адиба.
 3. Улугбек номидаги халқаро кенглик, коинотни кузатиш муассасаси жойлашган шаҳар.
 4. Буюк маърифатпарвар, жамоат арбоби, аллома, «Тарихи Мухаммадий» асари муаллифи.
 5. Ёзувчи, ўзбек романчилигининг асосчиси.
 6. Марказий Ўсиёдаги паст текислик.
 7. «Алломиш» дostonидаги афсонавий от.
 8. Марказий Ўсиёда мўғуллар зулмига қарши халқ ҳаракатининг раҳбари.
 9. Даврининг муҳим воқеаларини ёзиб қолдирган, XV аср охири XVI аср бошларида яшаб ўтган адиб.
 10. Мамлакатимизда таркиб топаётган иқтисодиёт.
 11. Дунёга танилган ўзбек рақс ансамбли.
 12. «Ўтган кунлар» филмида Юсуфбек ҳожи сиймосини гавдалантирган кино санъаткор.
 13. Таниқли мусиқашунос олим, хонанда ва созанда, бастакор, «Шошмақом» тўплами муаллифи.
 14. Алишер Навоий дostonи қаҳрамони номи билан аталувчи шаҳар.
 15. Ўзбекистонда етиштириладиган техника экинни тури.
 16. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири.
 17. Ўзбек халқ рақс куйи.
 18. Асосан Марказий Ўсиёда яшовчи қардош миллат.
 19. Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудидаги тоғ тизмаси.
 20. Қадимда боқинчиларга қаршилик кўрсатган қаҳрамон аёл ҳақидаги афсона.
 21. Таниқли ўзбек файласуф олими.
 22. Тошкент воҳасида эрамиздан аввалги даврда қазилган сув йўли.
 23. Ўзбекистоннинг ислом назариячиси, фикшунос олими (904-976 йиллар).
 24. Маърифатпарвар ўзбек шоирларидан бири.
- Тўзувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Ҳа бор! Ҳиндистоннинг собиқ бош вазири марҳума Индира Гандининг икки фарзанди бор эди: Санжай ва Ражив.

Санжай Ганди аэроплан фалокатида ҳалок бўлган, Индира Ганди сиёсатдан узоқда бўлган Раживни сиёсатга жалб қилди...

Санжай Ганди рафиқаси Мина Ганди ягона ўғли Варун Ганди билан Деҳлида истиқомат қилмоқда. Варун мактабда ўқийди.

Аввали учувчи бўлган Ражив қисқа вақт ичида халқ эътиборига сазовор бўлди ва «Ҳиндистон миллий конгресси» фирқасининг етакчиларидан бирига айланади.

Индира Гандига қилинган суиқасддан сўнг, Ражив Ганди Бош вазир вазифасига сайланади. 1991 йилги Ражив Гандига қилинган суиқасд Гандилар хонадонига кулфат келтирди. Раживнинг рафиқаси италиялик Соня хоним икки фарзанди: Раҳул ва Приянка билан бева қолди.

Раҳул Ганди ҳозирда Америкадаги Ҳорвард университетиде таҳсил олмақда. У отаси каби ҳозирча умуман сиёсатдан, давлат ташвишларидан узоқда бўлишни маъқул кўрмоқда.

Марҳума Индира Ганди хонимнинг севиқли невараси Приянка ҳозирда сиёсатдан узоқда лекин атрофдаги, айниқса, Уттар Прадеш штатининг Султонпур туманидаги Аметхи шаҳри халқи уни Гандилар ишининг давомчиси бўлиши кераклигини таъкидламоқдалар.

Бу борада Ҳиндистон мунажжимлари катта умид билдиришяпти. Бош вазир идорасига ва Гандилар хонадонига келаятган мактублар ҳақида Ҳиндистон рўзномаларида тез-тез мақолалар нашр этиляпти. Мактублар нафақат Ҳиндистоннинг турли штатларида истиқомат қилув-

чилардан, балки чет элларда яшовчи ҳиндлардан ҳам келиб турибди. Бу мактубларда улар Приянкадан умидлари катта эканлигини билдирмоқдалар. Жумладан: «Приянка сен ўқини битиришинг билан сиёсат майдонига дадил қадам қўйишинг керак! Оила аъзоларинг жонини қурбон қилган «Ҳиндистон миллий конгресси» фирқаси ишининг давомчиси бўлишинг керак!» — деган жумлалар бор.

Приянка Ганди шу йил 12 январда 23 ёшга тўлди. Ҳозир у Деҳли университетининг психология бўлимида таҳсил олмақда. Кўринишидан жуда ҳушёр, ақли, ҳар саволга ўйлаб жавоб берадиган Приянкани оғир ўйга толган ҳолда учратдим. Унинг кўринишида Индира Гандининг баъзи қарашлари меърос қолгандай. Балки охириги йиллардаги воқеалар сабаб бўлган бўлса не ажаб. Ҳар қалай Тошкентга борганида анча қувноқ кўринган Приянка эмас. Айтишларича отасининг ўлимидан сўнг, қўшини мамлакатлар тарихи ва сиёсати билан қизиқиб, уларни астойдил ўрганмоқда.

Бундан бир неча ой олдин Приянкани Уттар Прадеш штатидан «Ҳиндистон миллий конгресси» фирқаси комитетига аъзо қилишмоқчи бўлганларида, онаси — «Ражив Ганди» номидаги фонд раисаси Соня хоним қаршилик қилган эди. Лекин мунажжимлар фикрига кў-

ра Приянка халқ ишончини оқлайди.

Ҳиндистоннинг таниқли мунажжимларидан бири, Лондон ва Канадада докторлик даражасини ҳимоя қилиб келган доктор Парсмани Приянкани кўриқдан ўтказди. Бу мунажжимнинг бир неча ҳинд юлдузлари ҳақида айтган башоратлари тўғри чиққан. У ҳатто Ражив Ганди ўлими ҳақида олдиндан башорат қилган экан.

Доктор Парсмани таъбирича Приянка ҳаётда бахтли бўлади. Турмуш ўртоғи унинг ишида ҳамфикр бўлади, уни қўллаб-қувватлайди.

«Унинг умр йўлдоши Ҳиндис-

тонлик бўладими ёки чет элликми?» — деган саволга доктор Парсмани: «Мунажжимлик миллат ва тил ҳақида кўрсатма беролмайди, лекин унинг турмуш қуриши оилаларнинг ўзаро келишуви, розилиги билан бўлади. — деб жавоб берди.

Доктор Парсмани башоратига кўра Приянка 1997 йилда сиёсатга астойдил киришади, лекин сиёсат оламида унинг ўрни 2005 йилда билинади.

Турли тасодифларга бой ҳаётимиз мунажжимлар башоратига қандай муносабат билдирар экан? Омон бўлсаб кўрармиз!

Аҳмаджон ҚОСИМ

ГАНДИЛАРНИНГ
МЕРОСҲУРИ БОРМИ?



Р. АЛБЕКОВ сурати


«СИЗНИНГ АШУЛАЛАРИНГИЗ ҲАМ ЯРАТГАНГА ЭШИТИЛГАН...»

Хоналар бир-бирдан шинам, батартиб. Шафларнинг устида Хитой чини кўзалари тизилиб турибди. Деворларда хитой безаклари. Шифтда ослиб турган қандиллар ҳар битта хонанинг ўзигагина мос қилиб танланган. Иккинчи қаватга чиқаверишда уй бекасининг катаккон суворатини кўрасиз. Юқоридаги хоналарда кўпроқ Оврийо усулидаги безакларга кўзингиз тушади: деворий расмлар ва шунга ўхшаш жисмлар. Ҳаммаёқ озода, ёруғ...

81 ёшга кирган буюк санъаткор билан суҳбатлашиш ва у ҳақда ёзиш унчалик осон, жўн иш эмас. Ҳарна у кишининг деганлари замондошларимиз, қолаверса, келажак авлодлар учун ўта зарур эканлиги кишининг зиммасига салобатли масъулият юкларкан. Ҳалима Носирова тўғрисида кўп ва хўп ёзилган. Лекин у инсоннинг ҳали ҳеч қачон ҳеч бир кимсага ёки бирон бир қаламкашга айтмаган, ички дардлари бор.

Туғилганимда 9-чи қиз бўлганим учун мени яхши кутиб олишмаган. Яъни мендан осон кутулиш учун «Яъжуммаъжумлар» ёнига бир неча кун қўйишган экан. Жоним қаттиқлик қилиб, тирик қолдим.

Аммо бутун ҳаётимни ҳам роҳат-фароғатда ўтказдим дея олмайман. Отам (Худоёрхоннинг аълами бўлган Муҳаммад Носирхон)нинг эрта вафоти менинг болалар уйида улғайишимга сабаб бўлди. Санъатга кирганимдан кейин эса турли хил фожоа-



Р. АЛЪБЕКОВ сурати

МЕН УНИНГ ҚУРБОНИМАН

Ҳалима Носирова салкам 200 етимнинг бошини қилаганлар.

— «Яшин ака ва Ширино-йим ўзларининг оила қурганликларининг 20 йиллик байрамини Москвада нишонлашган. Отам онамизга бўлган муҳаббатларининг рамзи сифатида «оқ тилло» еоат совға қилишган экан. Бечора онамнинг меҳридан эриб кетганимни ҳали-ҳануз унутмаганман. Улар отамнинг берган совғаларини менга ҳақда қилишган. Аммо бу муқаддас совгани атиги бир йилгина тақиб юриш насиб этган экан, холос. Минг афсуслар бўлсинки, «Оқ тилло» соатимни йўқотиб қўйдим ва анча вақтгача онамнинг олдида хижолатда юрдим...» — дейди Ҳалима онамнинг асранди фарзандларидан бири 62 яшар Нафиса опа.

Ҳақиқатан ҳам бу буюк санъаткорнинг авваламбор меҳридаре она эканлигини тан олмақ керак. Чоризм зулмини ўз кўзи билан кўрган, шўро даврининг мураккаб кечган ҳаётини танасида ҳис этган ва мустақил давлатимизда умр гузаронлик қилиш насиб этган инсон фарзанд тарбиясини бу дунёда яшаган ҳар қандай кишидан ҳам аълороқ билади, десак ўринли бўлар. Балки шунинг учун ҳам Ҳалима онамнинг қилган ишларини бирма-бир санаб ўтириш ва уларни тақдорлаб ёзиш бугунги оддий муаллиф учун ножиоз кўринаётгандир...

— Ҳалима опа, устозларингиз ҳақида нималарни эслайсиз!

— Ҳамза Ҳакимзодани биринчи бор кўрганимни яхши хотирлайман. У кишига менинг овозим маъқул келганидан Фурқат шеърига ёзилган, ўзлари яратган «Сайдинг қўябер, сайёд» қўшиғини (1919 йилларда) ўратган.



ҲАЛИМА НОСИРОВА 1979 ЙИЛ, ЗАЙНАБ РОЛИДА

Оламга машҳур татар бойи Евушовнинг қизи Саодатхоним Еникиева эса менга нафақат устоз, балки иккинчи она эди. Улар мени ўз қизларидай суюб, қўллариде кўтариб юрардилар.

— Кеңирасиз, аёл кишига санъаткор бўлиш жуда қийин, дейишади. Албатта халқ даврасига чиқиб ўз қобилиятини намойиш этиш ундан катта жасорат талаб қилади.

— Ушбу саволни менга бир умр беришади. Мен ўзимни санъат соҳасининг фидойиси ҳисоблайман.

лардан бошим чиқмади. Чунки аёл санъаткорга кўнгли тўлгунича фарзанд кўриш муаммо эди. Шундай бўлсада, иккита жигарпорамни дунёга келтирдим. Лекин бу қора кўзларимни санъат ташвишларидан ҳоли бир аҳволда эркалатиб, ўйнатиб ўтираолмадим ҳисоби.

— Уша даврларда сизнинг бу аҳволингизга одамлар қандай қарашди!

— Менинг дардим ўзим билан эди. Аммо қайсидир бир ҳинд санъатсеварининг менга айтган гаплари ҳали

ҳамон ёдимда. У шундай деган: «Кучли овоз соҳибаларининг ноласи Худогача бориб етади. Сизнинг ашулаларингиз ҳам Яратганга эшитилган. Шу сабабли сизнинг жонингиз темирдан мустаҳкамроқ, бардошингиз эса тошдан-да қаттиқроқ бўлиб қолган».

— Чет эл гастроллари тўғрисида нималарни хотирлайсиз!

— Мен Ҳиндистон, Афғонистон, Бирма, Ливан, Сурия, Олмония, Миср, Эрон, Хитой, Индонезия ва Канада каби мамлакатларда қўшиқлар ижро этдим. Хитойда хитойча, Арабистонда арабча ва яна бир қанча тилларда ҳам ашулалар айтдим. Пешона терим натижалари ўлароқ ўша халқларнинг ҳурматини қозондим. Гастролларимдан сўнг Сурияда чиқади «Лисон аш-шааб» ва Ҳиндистонда босиладиган «Зе Стайтс-мен» газеталарида мен тўғрисида ёзишганини эшитиб анча вақтгача ўзимга сигмай юрдим.

— Санъатда тутган ўринингизга қандай қарайсиз!

— Халқим менга муносиб ҳурмат билдирди. Зеро, мен ўзбек элига ёр бўлдим, улар менга мададкор бўлди. Мен ўзбек санъатини дунёга танитганимдан жуда бахтиёрман.

— Адабиёт кишиси билан санъат одамнинг 65 йиллик турмуши ҳақида нималар дея оласиз!

— Турмуш ўртоғим Комил Яшин билан турмушда иноқ яшапмиз. Иккита фарзанд ўстирдик. Бағримизга сиққинуча етим-есирларга паноҳ бўлдик. Аммо буларни оилавий ҳаётимизгагина хос ишлар деб ҳисоблайман. Ижода эса ҳўжайимин билан доимо сув билан оловдаймиз.

— Сиз ўзингиз ижро этган

қўшиқлар орасидан қайсиларини кўпроқ эслайсиз!

— 1928 йилда Файзулла Хўжаев тўплаб берган кўпгина мақомларни ўрганганман. Мулла Тўйчи, Тўйчи Ҳофиз, Домла Ҳалим ўратган қўшиқларнинг барини яхши эслайман. Қўшиқларимнинг ҳаммасини ҳам яхши кўраман.

— Санъатга қандай таъриф берасиз!

— Санъат тинчликни сақлайдиган, одамлар дардини оладиган катта куч. Санъатсиз ҳаёт ваҳшийликдир, деган буюк сўз бор. Бу сўздан устунроқ тамсил айтаолмайман. Санъат одамни жисман ва маънан бақувват қилади.

— Ҳалима опа, мана шу санъатга бўлган муносабатингизни энг қисқа тарзда қай шаклда изҳолқиласиз!

— Мен унинг қурбониман...

Асримизнинг илғор намоёндаларидан бири Чўпон: «Мен Ҳалима онамнинг ижодини ҳурмат қиламан» деб айтган. Шоир Миртемир эса ўзининг ўлиmidан сал олади: «Ватан ишқини ва Ҳалима Носированинг (қўшиқлари) авжини нариги дунёга олиб кетаман» деган экан.

Бугунгача Ҳалима Носировани нафақат ўзбеклар, балки бутун дунё тинглаяпти. Қолаверса, у Осид минақасининг иқтидорли қизи, «Шарқ бўлбузи» деган оламшумул номга эришган. Бундай санъаткорнинг иккинчи аср оша атиги бир маратбагина дунёга келиши мумкин эканлигини эса биз эмас, бизнинг оталаримиз кеча айтган эди.

Беруний СУЛТОНЗОДА

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қуллан ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Мухаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙЯИД [бош муҳаррир ўринбосари], Ботир ЭРНАЗАР [масъул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОВЕВ, Абсалом УСАНОВ, Абдумуталиб РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташиқлотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино,

3-қават

Телефон: 39-43-95

Беруний СУЛТОНЗОДА навбатчилик қилди.

Обуна индекси — 64654

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма № Г-1159. 18634 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.

• УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •

2-БЕТ

● «ЙГИТМАН ДЕБ ЮРГАНЛАР БОРМИ!»

«Қани йғил боламан деб юрганлар борми йзи?» дея дав-рабоши жар солгач томошабинлар индамай тарқаб кетишди. Уларнинг кўпчилиги йигитлар эди, албатта.

6-БЕТ

Шов-шув

● РАК КАСАЛЛИГИ АЛМАТИДА ЕНГИЛДИ.

Онкологларда ракка қарши кучли қурол пайдо бўлди. Ушбу ихтиро мавжуд даволаш усулларида фарқ қилиб, шишларни сўриб олади. Шифо топганлар ичида Узбек-кстонлик аёл ҳам бор.

8-БЕТ

● ЕЗУВЧИ АНВАР ОБИДЖОН БИЛАН СУҲБАТ

— Асосий гап маҳоратда, «катта мавзу»ни бемаза қилиб ёзгандан кўра «майда мавзу»ни «ўрмалатиб қўйиш» минг марта афзал — ло-ақал дидни, завқни, тилни тарбия-лайди-ку.

● ТАШРИФ ●
ВА САХОВАТ

Мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллик тўйи юртимизда кенг нишонланди. 3 сентябр куни пойтахтнинг «Пахтакор» марказий ўйингоҳида ҳам тантаналар давом этди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кубоги учун футбол беллашуви ўтказилди. Кубог учрашувида «Витес» (Арнем, Нидерландия), НЕК (Ниймген, Нидерландия), «Нефтчи» (Фарғона) жамоалари ва Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари беллашдилар. Ғоят қизиқарли ўтган бу беллашувда Ўзбекистон терма жамоаси ўйинчилари голиб чиқиб, Мустақиллик кубогини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистонга ташриф буюрган Нидерландиялик меҳмонлар давлатимиз танлаган йўлнинг ғоят оқилона эканлигини таъкидладилар. Айниқса, бола-жон юртимизда давом этаётган «Соғлом авлод учун» умумхалқ ҳаракати голландлар диққатида сазовор бўлди. «Пахтакор» ўйингоҳидаги тантаналарда иштирок этган Нидерландиянинг «АЕС ҲОЛЛАНД ГРУПП» фирмаси вакиллари эса, қуруқ қўл билан ташриф буюришмаган экан. Фирма президенти Карел АЛБЕРС жаноблари футбол томошасидан сўнг даврага чиқиб, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ихтиёрига фирма томонидан 15 тўнна (юз минг долларлик ҳажмда) озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этажакларини эълон қилди. Шунингдек, фирма республика Болалар жамғармаси ҳисобига ҳам 100 000 (юз минг!) доллар пул ўтказди. Жамғарма раисаси И. Юсупова саховат чекини қабул қилиб олди.



СЕНТЯБР ҚУВОНЧИ

Д. АХМАД сурати

CHEQUE

US \$ 100,000

As gift from the official sponsors of the Independence Tournament 1994 Uzbekistan

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

КАМОЛИДДИН НАЗАР:

КУПҚАРИ ЧОПАЕТГАН ҚИЗ
БЕРУНИЙ СУЛТОНЗОДА:ҲАММАНИНГ БОШИНИ
ҚОТИРАДИГАН ОДАМ

АМИРҚУЛ КАРИМ:

УН ИККИ ЕШЛИ ДАҲО



«Оила ва жамият» 34 (157)

Бир куни

ОНАНИНГ ҒАЙРИТАБИЙ ҚУВВАТИ

Яхши оналар кўпки, эзгулик йўқолмайди. Ажойиб онахонларни биламан, хурмат қиламан. Лекин боласига бемехр одамларни кўрганымда, аввало бир воқеа — бир она ёдимга тушаверади.

Баҳор кунларининг бири... Бекатда автобус кутиб тургандим. Келиб тўхтаган автобусдан бирин-кетин тушаётган йўловчиларга беихтиёр нигоҳим қадалди. Шу пайт орқа эшикдан бир аёл йўрғадаги боласини кўтариб туша бошлади. Ногаҳон тушиш зинасининг охиригисидан унинг ўнг оёғи кўйлагига илашиб қолди. Ҳамма ўз манзили томон шошар, турганлар эса

этибор беришмасди. Бу ҳолатни мендан бўлак ҳеч ким кузатмаётгани аниқ. Ундан анча йироқда эдим. Югурсам ҳам «етолмаслигим табиий эди. Барвастигина аёл. Яқинда тўққан бўлса жисми куч йиғиб олмаган. Қолаверса, катта киши йиқилса бир жойи лат ейиши тайин. Онаку майли, тузалар, лекин бола-чи? У олдинга қараб йиқила бошлади. Бу сонияда бўлиб ўтган воқеа.

Яратганининг қудрати-ю онанинг болага меҳрини қарангки, унчалик чаққон бўлмаган аёл ерга йиқилгунча бўлган сонияда ғайритабиий ҳаракат билан бурилди, елкаси билан ерга йиқилди. Бо-

ла онанинг кучоғида қолди. Хаёлимда у (чақалоқ) пар устига тушгандек силкинди холос. Аксига олиб ҳайдовчи ҳам автобусни баҳор ёлғиридан пайдо бўлган кичик қўлмакча олдида тўхтатган экан. Аёлнинг ҳаммаёғи лой бўлди. У илдам ҳаракат билан ўрнидан турди-да... Лой бўлган либосига, қўлидан учиб кетган сумкасига ҳам қарамай чақалоғининг юзини очди, унинг лат емаганидан кўнгли хотиржам бўлиб, меҳр билан юзини унинг жажжи юзчасига босди. Қўркув, ачиниб, ҳайрат акс этган кўзимга ёш қуйилди...

Н. НАМОЗОВА



БОЛА ДУНЕНИ ТЕБРАТАР

УЙИНГИЗГА
КЕЛИН ТУШСА

Ҳамма жойнинг урф-одати ҳар хил. Мабодо сиз бирон жойга келин бўлиб тушдингиз, турмуш ўртоғингизни нима деб атаган бўлардингиз? Масалан, менинг янгам акамни Турсунжоннинг отаси деб, яъни тўнғич фарзандининг номи билан чақиради. Тошкентда эса «фалончи» ака, бошқа жойларда эса «хўжайин» деб айтишаркан. Қайнукаларингиз, қайнағачи, қайинсингилларингизничи?

Бизнинг бир қўшимчилигимизга туман марказидан келиш тўғрисида. Келин қайнука, қайинсингилларини исмини айтиб «сиз»лаб гапирари. Бу кўпчиликка эриш туюлди. Уйлаб қарасам тўғри қилади. Қачонгача «ай» деб чақиринишди. Қишлоғимизда биринчи бўлиб шу келин оила аъзоларининг исмини айтиб чақирган эди. Катта келин қандай бўл-

са қолганлари ҳам шунга қараб ўрнатиларкан. Кейинги икки келин ҳам шундай қилишди. Мен ҳам янгамга исминини айтинг, десам энди айтолмайман, дейдилар. Кўп жойларда келинлар куёвнинг ота-онасини куёв нима деса шундай деб аташди. Сурхондарё ва Қашқадарёнинг кўп жойларида келин қайнонасини «амма» «хола», қайнонасини «бова», «отага», Самарқанд вилоятида «она», «бийи», «дада», «ота», Хоразм воҳасида «хола», «дойи», Тошкент вилоятида эса «ойи», «ада» деб айтишаркан.

Хўш, улар келинни нима деб чақиради? Самарқанд вилоятида янга, янгамулло, Тошкентда кеннони, Хоразмда галинбийи дейишади.

Қайнона-қайнонаси-чи? Зебохон, Нилуфарой, Ойгул-

жон дебми? Бошқаларни билмадим, катта онам биринчи неварани келин кўрганиданми, бошларни осмонга етган эди. Янгамни ҳеч қачон «келин» ёки «келинпошшо», «Мунаввархон» деб атамаган. Доим тилидан «жон болам» тушмасди. Бирон нима олиб келсалар дастлаб янгамни чақириб, «жон болам» мана бунди еб олинг, дердилар. Қўшни аёлларга ҳам «келиннинг кўнгли нозик бўлади, дилини оғритманлар. Қизингни кўнглини топиш осон, аммо келиннинг кўнглини топиш қийин. Болаларнинг қаторига қўшиб «жон болам» десанг унинг ҳам сенга меҳри ортади. Уз онасидай кўради», деб тушунтирар эди.

Демак, келиннинг номи «Жон болам» экан.

Хонбуви ҲИММАТ қизи

Етти кун

ОМАДСИЗ ЖОНИВОРЛАР

Қўшработ туманидаги Жума бозорига дашт чўпонлари ташриф буюришди. Афсуски бевақт ташриф буюришибди. Улар «Минг сўм беринг-у, 10 ўн(т)асини танлаб олаверинг» деб қўйларни уюб тураверишди, бироқ оладиган мард кам чиқди.

Лекин қўй жониворлар даштнинг доривор гиёҳларини еб роса эт бойлаган эди.

ИЛМСЕВАР ХАЛҚ

Шунингдек, Иштихон тумани бозорига ўз тўқлисига 75 (етмиш беш) сўм нарх қўйган жанобнинг ҳам бозори юришмади. Семизгина тўқлига бирорта харидор чиқмади.

Аммо, илмга ташна юртдошларимиз шўрлик тўқлига қиё боқишмаган бўлсаям, ўша ерда сотилаётган (18 варақли) ёзув дафтари талашиб-тортишиб сотиб олишди.

ИҚТИСОДЧИЛАР ГАЗИТИ

Яна бир газит, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкнинг бошқариш ва тadbиркорликини қўллаб-қувватлаш қўмитаси, ҳамда Республика кўчмас мулк биржасининг нашри бўлмиш «Ёғду» сотувга чиқарилди. Газит жамоасининг фикрича, ушбу хаф-талиқ мамлакатдаги турфа нашрлар ичида носийсийлиги ва соф иқтисодий эканлиги билан ажралиб туриши керак. Нархи эса... 90 тийинга «Ёғду»ли бўлишингиз мумкин.

ОИЛАДАГИ «МУСТАҚИЛЛИК»

Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Насиббахон ая хонадонидан тез-тез ёр-биродарлар йиғилишиб, учрашиб турадилар. Муस्ताқиллик байрамида ҳам аяхон қошида бир гурӯҳ ижодкор аёллар ҳозир бўлишди. Ақиқа жуда гўзал, эркин ўтди. Унинг иштирокчиларидан бири Наргиза Рауваннинг айтишича, ҳатто бу ерга Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раисаси Муборак Юнусхўжаева ҳам ташриф буюриб, маъруза қилдилар.

«ЙИГИТМАН ДЕБ ЮРГАНЛАР БОРМИ!»

Муस्ताқиллик байрами кунинда, пойтахтнинг Сайилгоҳ кўчасида қизиқ беллашув ўтказилди. Даврабоши бир пудлик (16 кг) тошни ким кўп кўтарса, ўшанга мукофот берилмаганини томошабинларга эълон қилди ва хоҳловчиларни ўртага таклиф этди. Аммо, бирорта мард йигит чиқиб тош кўтаришга журъат қилмади. Инчунун, мукофот эгасиз қолди. Даврабоши «Қани, ўғил боламан деб юрганлар борми ўзи!» дея бот чорлагач эса, томошабинлар индамай тарқаб кетишди. Уларнинг кўпчилиги йигитлар эди, албатта.

ЗАРАРЛИ МАХЛУҚНИНГ ФЙДАЛАРИ

Сурхондарёлик мухбиримиз Маҳмуд Абдулфайзининг ёзишича, Олтинсой туманида, яшовчи деҳқонларга жайра ҳақида гап очсангиз, улар шунчалик жаҳлга минншадики, жанговор ҳолатга келади. Сабаби бу беор махлуқлар дастидан на картошка, на помидор, на қовун-тарвуз ва на бошқа нарса қолади. Даланинг ўзиде еб битиради-қўяди.

Яқинда Чинор қишлоғилик бир акахонимиз тунда бу тутқич бермас ҳайвонни тутиб олдую сўйиб пуллади. Бир зумда талаш бўлиб кетган жайра гўшти кўп дардларга шифо эмиш.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

ОДАМЛАР

Дўстим менга шундай ҳикоя қилганди.

Иттифоқо онамнинг бели оғриб, уйимиздан анча олдидеги касалхонага ётқиздик. Ҳар кунни ўн беш чақирим йўл босиб, икки маҳал касалхонага велосипедда бориб келамаман. Бир кунни кечки пайт онамга яна овқат олиб бордим. Қарангки, нон олиш эсимдан чиқибди. Онамнинг тортмасидеги нонларнинг бироз суви қочган экан. Бирорта нон топарман дея кўчага чиқдим. Шу маҳал туғун кўтариб келаётган жувонга рўпара бўлдим. Ҳойна-ҳой у ҳам бирортасини йўқлаб келаётганди.

— Опа, яқинроқда новвой-

хона йўқми? — дея сўрадим жувондан.

— Бу ерда новвойхона йўқ, — деди у ёқимли овоз билан. — Ҳа, нон керакмиди?

— Ҳа, онамга нон олиш эсимдан чиқибди.

— Қайси хонада ётади?

— Олтинчида...

Кўнглим хижил бўлиб уйга қайтдим. Касалхонага яна қайтиб борганимча вақт ҳам алламаҳал бўлишини ўйлаб, нонни эрталаб олиб боришни ният қилдим.

Эртасига борсам, онам бир истарали жувон кириб, жиззали нон бериб кетганини айтди...

Н. ЖАЛОЛОВ

Шаҳарда айланб юрасизу бехосдан адашиб хусусий тижорат дўконларига кириб қоласиз. Кўзни қамаштирувчи газмоллар, қимматбаҳо буюмларни томоша қилиб, қалбингизда ширин бир энтикиш ҳосил бўлади. Узингизга келганингиздан кейин эса фақат ютиниб қўясиз, холос. Чунки бир томондан нарх-наво деган очофот «чақиб» олса, иккинчи томондан сотувчининг ўзи «чақиб» олишга ҳаракат қилади.

Шу мақсадда мен ўзимиздаги тижоратчиларнинг савдо-сотик қилиш одоби ва хориж тижоратчилари, яъни ҳинд савдогарларининг харидор билан бўладиган муомаласи ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

нарсани синчиклаб олиб кўрсангиз ва харид қилмасдан қайтариб берсангиз «раҳмат» эшитасиз.

Бир куни қайсидир бир тижорат дўконига кирувдим. Дўкондор одмигина кийинган, кишлоқлик йигит билан ёжиллашиб ўтирдим. Ва ҳатто тортишув жанжалгача бориб етди. Суриштириб билсам, бечора йигит нархи-



А. ТУРАЕВ сурати

САВДОДАГИ «САВДОЛАР»

● ЕХУД СОТУВЧИ МАДАНИЯТИ

ҲИНДИСТОНДА (ДЕХЛИДА)

Деҳли бозорларидаги хусусий тижорат дўконларига кирганингизда энг аввало диомингизга ғалати ҳид урилади. Бу турли хил микроблар тушмаслиги ва «савдонинг баракасини учирмаслик» учун тутатиб қўйилган гийҳдир. Дастлабки пайтлар негадир биз савдолашишга мослаша олмадик. Чунки сотувчининг ўзини туттиши, муомаласи бизга ғайритабиий туюларди. Масалан, кўйлақ сотадиغان хусусий дўконга кирдингиз, дейлик. Авваламбор сотувчи сизни куюқ салом билан кутиб олиб, чойга ёки кофега таклиф этади. Кейин эса кўйлақнинг сизга тўғри келадиган ранги, ўлчами, фирмаси, фасонини сўрайди. Кўйлақларнинг тах-ламларини бузиб, харидорга кийгизиб кўрсатади. Иложи борича яхши гаплар билан

харидор кўнглини овлашга ҳаракат қилади. Мабодо унинг кўйлақлари сизга маъқул келмаса ва сиз сотиб олмасангиз ҳам хафа бўлмайди. Аксинча тижоратчилар, сотувчилар ўз товарларини (буюмларини) кўз-кўз қилиш билан ҳам лаззатланишар экан. Харидорни хафа қиладиган савдогар билан супермаркетнинг ўзида дўкондорлар гаплашиб қўйишади. Биз эса кўйлақларини кийиб кўриб, тахламини буздириб, олмасак қанақа бўларкин деган андиша билан дўкондан чиқардик. Ва мана шу «киркирлар»га мослаша олмаган эдик-да.

ТОШКЕНТДА

Аксарият сотувчилар одамига қараб муомала қилишади. Ҳатто харидорни «ўзига тортиш» мақсадида сигарета тутатиб ўтиришади (ўхашлигини қаранг). Агар бирон бир

га, сотувчининг авзойига қарамадан туфлини кийиб кўрган экан. Нархини эшитиб, капалаги учган содда йигит туфлини харид қилмабди. Коммерсант акахонимиз эса «сотиб олсан» деб зўрлаётган эди. У йигит эса ҳатто кийиб кўрганига ҳам ҳақ тўламоқчию бироқ туфлини сотиб олмоқчи эмас.

Кўпгина хусусий дўконларга кириб буюмларнинг нархини, сифатини, фирмасини сўрашга ҳам журъат қилолмайди, киши. Чунки сотувчи баъзан шуларни айтишга ҳам эринадими ва сизга ўқраяди.

Қадимдан ота-боболаримиз тижорат, савдо-сотик ишлари билан шугулланишган. Аммо улар савдонинг ўзига хос одобини қонун-қондаларини сақлаган ҳолда харидор билан муомала қилганлар. Наҳотки, бизнинг тижоратчи акахонларимиз буни тушунишни хоҳлашмаса.

Эзда уйдан Тошкентга қайтиш учун темирйўл вокзалидан поездни анча куттишга тўғри келди. Анча ҳам гапми, поездимиз 3 соатча кечикиб келган эди. Вокзалга яқинлашаётган поездни кўрган одамларнинг пайтавасига қурт тушди. Ва шундоғам салкам ярим кунимни ўғирлаган вокзал кўзимга янада хунук, бачкана кўрина бошлади. Шунда бекатга яқин келиб қолган поезд ҳайратимни оширди. Не кўз билан кўрайки, вагонларнинг томи тўла одам эди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг вагон томида кексаю-ёш ёш аравдада ўтиргандек бемалол келарди.

лида сумкасини судраб ёшига аёл ўтиб кетди. Ажабланишга улгуролмай ҳам қолдим. Чунки «Бомбей»га бориб келётганларнинг 60-70 фоизи аёллар экан.

Бир амаллаб поездга чиқиб олдим. Мен билан бир купеге тушган ҳамроҳларимнинг бари савзовот тўла қопи, ёр тўла идишлари билан жойларни тўлатиб ўтирган экан. Бу ҳамроҳларим устлари кир-чир, соқол-мўйлови ўсиб кетган бир аҳволда бўлсаларда, бировга гап-сўзини олдириб қўядиганлардан эмас экан.

— Акалар, ишқилиб азовига яраша бу нарсалардан

Ким? Қаерда?

Тўғриси айтсам, дастлаб Теша ака Мўминов тимсолида икки шахсни кўрдим. Уларнинг бири ижодкор, бири эса раҳбар ходим эди. Аммо сўхбатимиз давомидида «ўша» ижодкор шахснинг, ижодкорона руҳининг қўли билан келганлигини яққол ҳис қилдим.

БИР ОЁГИМ ТЕАТРДА

— Теша ака, айна пайтда нима иш билан машғулсиз?

— 1993 йил мартдан бошлаб Ўзбекистон Маданият ишлари Вазирлигида Вазир муовини бўлиб ишлаяпман. Ишимиз жуда сероб ва катта масъулият талаб қилади. Мен асосан санъат бошқарувидаман. Театр, филармония, ансамбллар, цирк, ўзбек давлат эстрадаси биз бошқарадиган соҳалардир. Ўзингизга маълумки, маданиятнинг кириб бормаган эшиги бўлмаса керак. Шунинг учун маданият соҳасида ҳам жуда кўп ишлар қилишимиз керак. Бугунги кунда театрларимиз чет элларга чиқаяпти. Шуларнинг ривожини учун конкурслар, фестиваллар, маком фестиваллари ташкил қилиш, уюштириш ниятимиз бор.

— Қилаётган ишингиз ижодга халал бермайдими?

— Авваламбор мен ижодкорман. Ижодсиз, сахнасиз ўзимни тасавур қилишим қийин. Чорак аср давомидида Ҳамза театрида ишладим. Менинг ижоддан кетиш ниятим йўқ. Ижодсиз яшай олмаيمان. Албатта олдингидай ижод билан тўла шугулланишга вақт кам. Лекин бир оёғим театрда. Спектаклларда рол ўйнаб тураман. Ҳар замонда имкон толиб, съёмкага тушишга ҳаракат қилаяпман.

Ижодкор одам аввало бир хаёл билан яшаш керак. Ҳар бир образни яратиш учун эса қатъий изланади. Энди бу вазифа ишо-

ниб топширилган экан, ишлаб турибмиз. Бу ерда ҳам халққа ҳаминқадар фойда тегади, деб ўйлайман. Балиқ сувсиз яшай олмаганидек ижодкор ҳам ижодсиз яшай олмайдими. Мен ижод учун туғилганман, ижод учун яшайман.

— Телевидениеда, театрда қиладиган чиқишларингизда муҳлисларингиз сизни энг аввало Йўлчи тимсолида кўришади. Ҳар ҳолда бу образ халқнинг юрагидан мўқим ўрни эгаллаганда... Маданият Вазирини муовини лавозимда туриб ҳам шунақа оригинал образлар яраттишга ишонасизми?

— Шубҳасиз, албатта. Йўлчи образига ўхшаган образлар яраттишга ишонманман. Аниқроғи умид қиламан. Ролнинг қандай чиқиши эса режиссёр, драматургга ҳам боғлиқ. Насиб бўлса халққа манзур бўладиган образлар яратиш ниятим бор. Жонсиз нарсани сахнада жонли чиқариш учун эса меҳнат керак.

— Келгуси режаларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Биз келгусида маданиятимизни юқори чўққиларга олиб чиқишимиз керак. Буюқ тарихга, маданиятга, алломаларга эга бўлган бу юртининг санъатини ўстириш ҳам қарз, ҳам фарзидир. Бунинг учун имкон борича изланиб, ўйланаёلمиз. Ижодкор сифатида ҳам режаларим бир талай.



ВОКЗАЛДАГИ ПАЛОВХОНТЎРА

Тагин ҳам қўллариди оёқни айтмайсизми. Поезднинг нима учун кечикканини анлагадандай бўла бошладим. Поезд келиб тўхтади. Қий-чув, тўс-тўполон янада авжига минди. Бозор бошланди. Бехосдан катта қоп кўтарган бир танишимни учратиб қолдим.

— Тошкентга кетаётган бўлсанг пахта ёғидан олиб кет, «бизнес» қилсан, сен учун арзон бераман, — деди у салом-алиқни ҳам насия қилиб.

— Қаердан келаяпсан, нималар олиб келаяпсан, нега толга чиқиб олдиларинг? — дейман пала-партиш оҳанг-да.

— «Бомбейдан келаяп- миз, жура. Тава, Турк- манistonнинг Чоржўй шахрини улар шунақа аташаркин. Бу ёгини сўрасанг тирикчилик. У ёққа мева-чева олиб бора- миз-у, бу ерга «хадовой» нарсаларни келтираимиз. Фақат тоғнинг устида бориб, тоғнинг устида келамиз. Поезд- нинг ичида димқиб, провод- никка пул бериб юрамани. Товарларимни Тошкентга олиб борсам ҳам бўларою, эртага яна «Бомбей»га қай- тишим керак-да.

Сўхбатлашиб турганимиз- да енимиздан бир қўлида бо- ласини чиқарибди, бир қў-

оз-моз фойда қоладими? — деб сўрайман ўзимни гуликка солиб.

— Э, ука, билсанг, биз буларнинг барини савоб учун қиляямиз, — деди ёши кат- тароғи. Мана акаларинданан сўра, қиши билан Тошкент- га эринмасдан гуфт ташидик, энди бўлса, савзавот, пахта ёғи. У ёқдан хоразмлик оғай- нилар гуруч олиб келишади. Карабаски, ош ҳам тайёр...

Гуруч этиб кулги кўтарилиди.

— Кўшини купедаги шов- қандан қўчиб уйғониб кет- тим. Кейин билсам пахта ёғи олиб кетаётган бир кишининг ёғи тўкилиб кетибди. Ёғнинг эчаси ёғица ачиниб бақирса, купедагалар уст-бошларига ёр текканлигидан нолишяёт- ганди.

Анча вақтгача уйқум қо- чиб ухлай олмадим. Сал-пал кўзим илчине экан ғаройиб туш кўрибман. Яна уша вок- зал. Ҳажмаёқ тутун. Одамлар дошқозонларда ош дмлаёт- ган эмишлар. Йўловчилар вокзалга тушиб ошдан еб, сўнгра йўлида кетаётган, ҳалиги акахоним эса «ука гуручиниям ўзимиз топдик» деб тиржаяётган эмиш.

«Оила ва жамият» 34 (157)

Тўсатдан сизга ит ташланиб қолса, нима қиласиз? Қўқисдан ҳўкиз ҳамла қилиб қолсачи? Итнинг қопагон тишлари, ҳўкизнинг эса, сузагон шохлари бор? Сизнинг нимагиз борки, ҳўкиз билан барабар шохлаша берсангиз, ёхуд ит билан басма-бас тишлаша олсангиз! Ҳа, тўғри. Сизда ақл бор. Ақлингизга таяниб сиз ҳўйла ишлатиш ва бу нохуш тасодифлардан ку-

рақбод қилмоқ учун сўраб туришганида тўсатдан боғ эшикдан яп-яланғоч тўй эгаси чиқиб келди. Фирт маст. Ҳатто, ўзининг аҳволини ҳам илгарли даражада эмасди. Қариндошларининг кейинчалик изох беришича, уни кўролмаганлар панага етаклашибдию...

Донолар «ёшлик тентакликнинг бир кўринишидир» дея таърифлайдилар. Бу таърифнинг нечоғли ҳақиқатга яқинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Жуда кўп заррли одатларга, иллатларга одам ёшлигида одатланиб қолиши туфайли, ёшлик инсон умрининг энг хатарли даврига айланиб қолади. Элниг айтувича эса, одам

келадиган чўян медал осибди, «Ичкиликбозлик қилгани учун» деб ёзиб қўйишган. Бизда эса, кўчада маст юрган одамга аввало индашмайди. Жуда нари борса, кайфи тарқагунга қадар хушёрхонада ушлаб туришадю, қўйиб юборишади. Маст одамга эса, кўча-кўйда ётгандан кўра хушёрхонада кайфни бузмай ётиш минг марта яхши. Ёки у арзимас жарима билан

мадир. Зеро, ичкиликбоз бўлган одамдан ҳеч қачон соғлом зурриёд қолмайди. Тиб олимлари неча минг йиллардан буён такрорлаб келадиган гапларни яна бир қарра қайд этиб ўтмоққа ҳожат йўқ. Мухтасар айтадиганимиз шулки, ичкиликбозлик биз тезда қутулишимиз лозим бўлган иллатдир.

Ровийлар Шайтони-лаён Ҳаввога таъқиқланган олмадан таътиб кўришни тақлиф қилганида, гумроҳ одамзоднинг илк вақилиси эътироз билдирилмаганлигини сўйлаб юришади. Холбуки, ўша хиёнати туфайли жаннатдан мосуво этилган Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг авлодлари ҳам улардан авлорқ жавоб қайтаролмаган бўлурдилар. Чунки, то ҳануз шайтон бани одам дилига қутқу солади, шайтоний нарсаларни тақлиф қилади. Инсоният эса, унга осонгина кўнади, кўнкади. Бунга мисол эса, яна «шайтон сувини нўш этиш, яъни ичкиликбозлик қилишдир. Қизик, нахотки хўшдан айрилиш бу одамлар учун ҳавас бўлсал Нахотки, то қиёматга довр шиша ичидаги оқ шайтон одамларни ўзига имлайверса-имлайверсал Ҳа, шайтон!..

Иқром БУРИБОВ

Соғлом авлод учун

ШИША ИДИШДАГИ ОҚ ШАЙТОН

тулиб қолиш имконингиз бор. Бироқ, шу биргина қалқони — ақлидан жудо маст одамдечи? У ақалли ўрнидан туролмайди. Тасаввур қилайсизми? Мана, кузатганим. Бир акахонимиз пода қайтар маҳали, кайфи тароқ, гандираклаганича кишлоқ бошидаги йўлга чиқиб қолди. Бемаврид ичкиликбозлик қилгани уни нақ ажалга рўпара қилаёзди. Уни подани бошлаб келадиган бир ҳўкиз уйинқароқлик билан сузиб қочди. Чанг йўлга ағанаб тушган пийнни сийгирлар айланиб ўта бошлади... Фақат, бу нокасинг оиласига, болаларига қийин бўлди. Улар анча вақт кўниқўшни, яхши-ёмон орасида бошларини кўтариб юролмайд қолдилар.

Ёки мана, бошқа бир воқеа. Бир кишлоқда тўй бўлди. Аллақерда каттагон бўлиб ишлайдиган бир киши отасининг пайғамбар ёшига тўлгани муносабати билан гумбура-қаср тўй қилиб берди. Ичимликлар сувдай сероб бўлди. Ичганам ичди, ичмаганам ичди. Бир вақт эса, отахоннинг ҳалиги «катта-оғиз» ўғли кўринмай қолди. Ярим соат, бир соат ўтдики, йўқ. Келган-кетганлар мубо-

Нимаям дердик. Афсуски бундай воқеалар саноқли эмас. Қаердадир ўзи хохламаган ҳолда шундай ноқулай аҳволга тушаётганлар учраб туради. Улар хўшлари ўзларига қайтгач, эл олдида бош кўтаролмай юришади, пушаймонлар чекишади. Лекин, энди кеч бўлган бўлади. Ҳа, ичкилик шундай оғуки, гўё ғамлардан мосуво этаётгандай, хурсандчиликка хурсандчилик кўшаётгандай туюлади.

Аслида эса, ичаётган одамни ақлидан фориг айл�йди. До-нишмандлар таъбирича ҳам, ичкиликбозлик ақлдан озидир. Ақл — инсоннинг инсонлигини тутиб тургувчи устун. Ичши эса, шу устунни кулатиб, кунпаякун бўлган инсонийлик устида ҳайвонларча ағанаб ётишдир. Бу ҳолат ҳатто ҳайвонлардан ҳам паст кетишдир.

Айниқса, балоғат остонасида турган баъзи бўз йигитчаларнинг бу ярамас машғулот билан кенг миқёсда шуғулланишаётганлигига нима дейсиз.

қирқ ёшгача ажални, қирқ ёшдан сўнг ажал одамни кувармиш. Кўча-кўйда маст-аласт юрган айрим ёшларнинг аҳволи, уларнинг ажал келтирувчи иллат — ичкиликбозликка берилаётганлиги эл нақлининг ҳаққонийлигини исботламайдими?!

Келинг, бир қўр ўтмишга назар ташлайлик. Кўҳна дунё тарихи билан танишсангиз, қадимги инонлар виночилик худоси Дионисга, қадимги римликлар Вах (Бахус) худосига сажда қилиб, буларнинг шарафига одамни гангитиб кўядиган турли ичимликлар ичиладиган байрамлар ўтказишганлигидан бохабар бўласиз. Ичкиликбозлик иллати инсоният тарихчилик қадимга бориб тақалади. Иллатга қарши кураш ҳам шу иллатчилик қадимийдир. Масалан, кўҳна Хитой давлатида ичкиликбозлик қилган кишига ўлим жазоси берилган. Ҳиндистонда ичкилик ичган одамнинг оғзига қайнаб турган вино қуйилган. Қадимги Спартада авлодларнинг саломатлигини ўйлаб 30 ёшгача ичкилик ичиш ман қилинган. Россияда, Пётр I замонида ароқ ичиб маст бўлган одамни таёқ билан қалтақлашган, ўрага ташлашган. Бундан ташқари, бўйнига 7 килоча

қутулиб кетиши мумкин.

Юнон файласуфи Диоген эси паст болалардан бирини кўриб, онаси бўйида бўлиш олдида отаси маст бўлган, деган экан. Агар ўйлаб қаралса, донишманднинг бу мушоҳадаси ичкиликбозликка қарши энг катта айбно-



ДЎЗАХ ЭШИГИДА НИМА ЁЗИЛГАН?

— *Ё Али! Саховат жаннатдаги дарахтнинг номидир. Сахийлар қўли ўша дарахт (шохлари)га чирмашган бўлиб, у дарахт сахийларни жаннатга тартади.*

* * *

— *Ё, Али! Бухл (бахиллик) дўзахдаги дарахтнинг номидир. Бахилларнинг қўллари шу дарахтга боғлангандир. Бу дарахт дўзахга тартади. Наузанбиллоҳ!*

* * *

— *Ё, Али! Худо таоло жаннатни яратди. Жаннат сўради:*

— *Эй худо, мени кимларнинг улушидан яратдинг? Фармон келди: «Сахийлар ва (ғуноҳдан) сақланувчилар улушидан!»*

Жаннат деди:
— *Рози бўлдим!*

* * *

— *Ё, Али! Худо таоло дўзахни яратди. Дўзах сўради:*

— *Эй қодир худо, мени кимнинг улушидан яратдинг?*

— *Фармон келди: «Тахабурлар ва бахиллар улуши-*

дан!»

Дўзах деди:

— *Рост, улар менга лойққдилар.*

* * *

— *Ё, Али! Дўзах эшигига «Хар ким нафси ҳавасига қаршилиқ қилса унинг жойи жаннатдир ва ҳар ким нафси ҳаваси йўлга юрса, унинг жойи дўзахдир!» — деб ёзганлар.*

* * *

— *Ё, Али! Ёдингда бўлсин, ўлганлар билан (бир дав-рада) ўтиришма!*

Сўради:

— *Ё, Расулulloҳ! Қайси ўлганлар?*

Айтдилар:

— *Ўлганлар — жаҳолат ва гафлат аҳлидирлар.*

Тўловчи: Мухайё АЛИМОВА,
ТомДУ филология факултетининг
сиртки бўлим толибаси



Абдул Ғани ЖУМА сурати

ФОЙДАЛИ МАСЛАХАТЛАР

ТАРАКАНДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛИШ МУМКИН!

Дунёда таракандан (унинг ўзбекча номи суварак экан) серпушт махлуқ бўлмаса керак. Хонадонингизда биттаси пайдо бўлиб қолди-ми, тамом, орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай бурчак-бурчаклардан суварак суваракчалар чиқиб келаверади-келаверади... Хавфни сезди-ми, яширинади. Узи ҳам қилдан ингичка мўйлови кирадиган орадиққа ҳам сиғиб кетаверади. Ақл бовар қилмайди.

Хўш, айниқса, уй бекаларини жонидан тўйдириб юборадиган бу беор махлуқдан қутулиш йўли бор-ми? Бор. Суваракдан талай усуллар билан қутулиш мумкин. Айтайлик, «Хитой бўри» ёрдамида. Лекин, матбуотларда ёзишчи, «хитой бўри» киши соғлиғига ҳам салбий таъсир этар экан. Суваракдан қутулишининг энг қулай ва зарарсиз йўли қуйидагича:

Икки дона тухум ва бир дона картошкани бир соат вақт давомида яхшилаб сувда қайнатиб пиширасиз. Кейин тухумни арчиб саригини ажратиб оласиз. Картошканинг ҳам пўстини арчасиз. Унинг икки тухум саригига тенг келадиган қисмини ажратиб олиб, тухум саригига қўшасиз. Сўнг унга сила тўрт-беш чой қошиқ барот кислота (ўрисчасига «борная кислота»)

кукунини селиб, уларни яхшилаб аралаштирасиз ва хамир мисоли қориштирасиз. Кейин тайёр қоришмани суварак кўп тўпланадиган бурчаклар, жавонлар орқаларига майда-майда ушоқлар ҳолида тартиб билан селиб чиқасиз. Хўрак бир ҳафта мuddат атрофида сақланиши керак.

Едингизда бўлсин: Суварак хўрак қўйилганидан кейин камида 2-3 кун мuddат ўтгач ўла бошлайди ва 10 кунлар ичида бутунлай қирилиб битади. Шу мuddатдан кейин ҳам битта-иккита суварак кўриниб қолса, ташвиш чекманг, улар ҳам ўлиб кетади. Сал ўтмай уйингизда суварак зотининг уруги қолмайди. Кўп қаватли уйдаги хонадонда яшасангиз эса, камида 6 ойга «суварак ташвиши»дан қутуласиз. Тадбирни қўшнилар билан бир вақтда ўтказсангиз, суваракдан узоқ мuddат қутулишингиз мумкин.

САЛҚИГАН ЮЗНИ ДАВОЛАШ

Юздаги шишлар кўп ёки кам ўхлаш, асабларнинг қаттиқ чарчashi, нотўғри овқатланиш, ички касалликлар ва бошқа таъсирларга боғлиқ бўлмаса, унда қуйидаги тадбирларни қўллаш мумкин.

Қирғичдан чиқарилган картошкани докага солиб, юздаги шишларга енгил-енгил босиш керак. Ичиб бўлинган чой шамасидан ҳам худди шу тарзда фойдалансангиз бўлади. Бошқа бир даво: 2 ош қошиқ майда тўғралган қовоққа озгина сув қўшиб, паст оловда пиширинг. Ҳосил бўлган бўтқага ярим чой қошиқ асал қўшиб, юзга суртинг.

Салқиган кўз қовоғига қиймалагич ёки қирғичдан чиқарилган петрушка томридан худди шу тарзда тайёрланган бўтқани суртсангиз фойда беради.

Юзга ниқоблар 10-15 дақиқа кўйилиб, кейин илиқ сувда ювиб ташланади. Муолажадан кейин, айниқса, ухлашдан олдин зинҳор крем суртманг, чунки крем шишларни кўпайтиради.

Оилада жанжал чиқмасин десангиз, бир оғиз ширин сўзингизни умр йўлдошингиздан аяманг. Ахир бегонага ҳам уни айтишингиз мумкин-ку.

Оилангиз бирор нотўғри иш қилибдими! Қизишманг. Бу ҳақда фикр билдиришдан олдин бир оз мизғиб олсангиз, ҳаммаси жойида бўлади. Босиқлик билан фикр юритганга нима етсин.

Дераза

АРОҚНИНГ КАСОФАТИ

Бобурийскилик (Россия) бир ароқхўр уйига гирт маст бўлиб келиб, кўзига хунук кўриниб кетган кучукчасини иккинчи қават деразасидан пастга улоқтирди. Иккинчи синфда ўқийдиган қизчаси кўз ёш тўкиб деразга чопиб борганда кучукчаннинг кетидан уни ҳам ташқарига олди.

Қизчани худо асради: уни кўчадан ўтиб бораётган йўловчи йиғит илиб олди. Бахтли тасодиф. Ароқхўр эр билан яшашдан тўйган аёли миллицияга ариза берди.

АРЗОНЛАШДИ

Юрмаладаги машҳур «Юрост Перле» («Денгиз марвариди») ресторани икки соат ичида ёниб битди. Унинг тўрт деворининг асқаб қолди. Ресторан бу жойга тез-тез машҳур эстрада «юлдузлари» ташириб буюр-туриши билан донг таратган эди.

Лекин кўп кўйинманг: «Юрост Перле» ҳойнаҳой яна «марваридга» айланса керак. У хусусийлаштирилиш эълон қилиниб, жуда қилмат-тахминан 300 мнг доллар баҳоланган экан. Энди унинг арзонлашиб кетиши таини. Дидга мослаб тузатиб олиш эса қўлданга гап.

ИТНИНГ ҲОЛИГА ТУШИШДИ

Новгородлик икки ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси марказий гастроном эшигида: «Дўконга ит билан кирганлик учун 25 мнг рубль жарима солинадиган» деган эълонни ўқиб қолди. Йиғитлар жуда ҳозиржавоб экан: тезда қўлларига қизил боғиқ тақиб, итлар харидорлардан кўрсатилган жаримани ундара бошлашди. Ит эгалари ҳам кўп тортишиб ўтirmасдан тўлаб кетаверишди. Бироқ кутилмаганда солиқ тўлаган бир аёл эрини бошлаб келди. Унинг тўрт нафар барзанги шериги ҳам бор эди...

Бир соат ўтгач солиқ «назоратчилар» яна ўз жойларини эгаллашди. Уларнинг бўйида: «Бир итлик қилдик. Бизни кечиринг, яхшилар» деган ёзув осиглик турарди.

ЎГИРЛАНГАН ХОТИРА

Дунёга машҳур қўшиқчи Мэрилин Монронинг миллион долларга баҳоланган кўйлагини нақ Нью-Йоркдаги асровбинодан ўғирлаб кетишди. Бир замонлар Мэрилин хоним ана шу кўйлагини билан тарихга кириб келган эди. Бундан ташқари бошқа яна кўп сахалик буюмлари, хонимнинг қоматини дунёга кўз-кўз қилган яна бошқа бир кўйлагини ҳам ўмариди. Актриса хоним 1962 йили АҚШ Президенти Жон Кеннедининг тўғилган кунинда худди ана шу кўйлақда қўшиқ айтган эди.

АСР СОХТАГАРЛИГИ

Урисиялик профессор жаноб Владимир Баробаш «Рабочая трибуна» газетини шов-шув тарқатди. Унинг таъинлашчи, машҳур олим Эйнштейн XX асрнинг энг буюк сохтагари экан. У кашф этган нисбийлик назарияси қонуни гирт ёлгон эмиш. Ҳатто Эйнштейннинг ўзи ҳам шунга шана қилиб, кўзини қисиб, тилини кўрсатиб суратга тушган экан. Қизиги, бу қонуннинг мохиятини биз «оддий гуноҳкор бандаларгина эмас», аксарият физикларнинг ўзлари ҳам билмасмиш.

Умуман олганда, жаноби профессор Владимир Баробашнинг хулосаси ҳам нисбий.

ДУСЯ ХОЛА — РЭКЕТИР


Литва акционерлик-инновация банкининг Мажейкяский бўлимида фаррошлик қилувчи қари кампир рэкетирликка эзилди. Узгаларнинг бойлигини ўз кўзи билан кўриб юрган Дуся хола тиқчилигини йўқотган эди. Натияжада у ҳисобчи номга «атиги» 500 долларини фалон жойга олиб келиб қўйсан, мазмунинда яширича хат ёзди. Аммо кампир осонгина пулик кўлга киритиш мақсадида борган жойидаёқ полиция кўлга тушди.

Шайтон мени йўлдан урди, дейди у. Лекин энди бу қари момо қонун олдида жавоб бериши керак.

ЗАҲАРЛАНСАНГ — УЗИНГ ЗАҲАРЛАН

Бразилиянинг Белуоризонти шаҳри аҳолиси энди автомобиллари ойнасидан сикарета қолдиги, шунингдек, музқаймоқ ўрама қоғозини кўнага отиш одаларини ташлайдиган бўлди. Эса қолда, жаматга тўлашади. Унинг лиқдор атроф-муҳитга етказилган зарарга қараб 70 доллардан 140 долларгача. Ибрат олса арзийдиган янгилик.

ХОРИЖ МАТБУОТ ХАБАРЛАРИДАН



— ҚАЙСИНИ ЮРМОҚЧИСАН!..

Табриклаймиз!

Жажжи укажоним
ХУСИДДИН!

Сени тўғилган кунинг яъни,
тўққиз баҳоринг билан чин
қалбидан қутлайман,
деб онам Уғиллой ФАЗЛИТ-
ДИНОВА.

Чиноз тумани

Оила

39 ЕШДА

Қаршилиқ. Уйланмаган. Қурилишда пайвандчи бўлиб ишлайди. Тўғрисўз, самимий, вафодор. Оила кўрмоқ ния-

тадаги қизми, жувонми (бир-икки боласи бўлса ҳам рози) тоза қалб, саранжом-сарош-та, уйим-жойим дейдиган бўлса уйланмоқчи. «Оила-353».

31 ЕШДА

Бекободда яшайман. Миллатим тожиқ, 15 ёшимдан механизаторман. 28 ёшимда уйландим. У билан бир ярим йил яшаб ажрашиб кетдик. Сабаби (кейин билдим) унга фарзанд кўриш мумкин эмас экан. Мана бир йилдан буён бир ўзим яшайман. Елғизлик қийин экан.

Еши 25-31 атрофида (1 нафар ёш боласи бўлса ҳам майли) қайси шаҳар ва қиш-

лоқдан бўлишидан қатъий назар, рўзгорим дейдиган муслимага уйланмоқчиман. «Оила-354».

Хусусий эълон

Тиқиш-бичишни ўргатамиз.
Тел: 57-19-17

Изоҳ

«Танишу» эълонининг баҳоси 15 сўм, шунингдек «Табрик», «Эзаро савдо» эълонлари кўнундаги тартиб-да белгиланган: 1 босма белгилнинг (карф, тиқш белгиси) баҳоси 10 тиқш. Табриқ сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси 10 сўм. Уни кун мuddат ичида берилмаган эълонлар икки баравар қиммат.

«Агар аёлингиз сизни тушунмас экан, уни сиз тушунинг, кўнглига йўл топинг», деб ёзади Раҳмон Али Аъзам «Аёлни тушуниш» мақоласида. («Оила ва жамият», 25-сон).

Бу сатрларни ўқиб, ўз-ўзимга савол қўйдим. «Хўш нима учун мени тушунмаган аёлни мен тушунгани керак?» Балки бу саволим бироз қўполдир, аммо табиий! Бир ҳадис ёдига кел-

Бу гапларни ўқиб, «тоза хотиндан куйган экан, шўрлик», дейишлар ҳам топилар. Мен нафақат ўз ўтган турмушим тажрибасидан, балки касбим тақозоси билан дуч келган воқеаларим худосасидан келиб чиқиб фикр билдирмоқдаман.

Камина бир вақтнинг ўзида икки жойда ишлардим: пойтахт ҳокимлигида масъул ходим (ўриндошлик билан)

Зеро Бобур Мирзо ёзадилар:

«Ўзни, кўнгли, айни ила тутмоқ керак,

Бизни унутқонни унутмоқ керак!
Оилада ўзаро бир-бирини тушунингдан бўлак яна бир муҳим жиҳат бор: «Эр-хотиннинг уруши, дока рўмолини қуриши!» яъни, эр-хотинчиликда гинақудурат узоққа бормайди. Бир жанжалнинг тепасида бўлмай, четдан

ванд, хотинбоз, қиморбоз, каззоб)га тушиб қолганликларини айтиб, еган калтақларини олаган жароҳатларини рўйхат» қилишади. Эшитиб бўлгач, яна сўрайман: «Эр қилиб, шунча эзилган экансиз, яна нега эрга тегмоқчисиз?» Жавоб тайин: ўзларига қолса, эрсиз ўтишаркану, лекин болаларини ўйлаб шундай йўл тутаётганмишлар. Энди ўзингиз ўйланг, ўз отаси қаёқдаю, ўзай ота қаёқда!!

Гапнинг очиги, фарзандини ўйлаган аёл, эридан талоқ сўрамайди. Эринге калтагию ичиси, жанжалию сўкиншига келсак, (ҳаммаси эмасу, аммо аксар ҳолларда) аёл оилада нимакини кўрса, ўз тили ва фаҳму фароғати туфайли кўради. Хоҳ эр бўлсин, хоҳи хотин, «тушунмайдиган мижозли» бўлса, ўша оила парокандаликка юз тутиши аниқ!

Ҳадис бор: «Эр-хотиннинг ҳатто бошқа-бошқа хонада ётиши ноўрин!» Бунинг маънисини, ўзаро меҳру оқибатга, илиқликка пугур етмасин, демек. «Аёлни тушуниш» мақоласининг муаллифи Раҳмон Али Аъзамдан фарқли ўлароқ мен худоса ўрнида аёлларга бир сўз айтаман: «Эрни тушунишга интилинг! Эрикезининг устидан ҳеч маҳал, ҳеч кимга шикоят қилманг, айни чоғда эрдан талоқ сўраш ниятида юрган аёллар унутманеки эрсиз қолган аёл минг карра ҳалоқ бўлса-да, кун келиб «гап-сўз»га учраши аниқ. Бу «гап-сўз»нинг бир учи фарзандларингизга тегиб, улар қалбини жароҳатлаб қўйиши мумкин!!!»

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз атайин хат муаллифининг номини ёзмадик. Зеро бу газетаимизнинг дилларни бир-бирига боғлаш керак деган мақсадига эришди. Муаллиф «Акс-садо» берибдими, демек танганинг иккинчи томонига ҳам эътибор беришимиз лозимлиги таъкидланган. Улар билан эса ҳисоблашиш керак.

Акс-садо

МЕН ТОЛСТОЙ ЭМАСМАН

«АЁЛНИ ТУШУНИШ» МАҚОЛАСИНИ ҲАҚИ

ди: «Агар эрларига нисбатан ношукрчиликлар бўлмаса эди, хотинларнинг намозхонлари албатта жаннатга кирардилар!» Бу ўринда изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Менинг назаримда, оилада энг аввало аёл зийрак бўлиши, вазияту муҳитни идрок эта олиши, эрининг кўнглига қараб иш тутиши шарт. Зеро, оила бамисоли бир мамлакат, эр — подшо, хотин эса вазирдир. Калтафаҳм вазир подшоини чалғитиши, мамлакатни парчалаши ҳаётий ҳақиқат.

Муаллиф яна ёзади: «Ахир, бир оилага бахт келтираолмаган; биттагина аёлни бахтли қилолмаган эркекнинг қандай қилиб элу юртга фойдаси тессин».

Шу ўринда буюк Лев Толстойнинг фожеси — бир умр зевсифат хотин кўнглига қараб яшаганлигини эслатиб ўтсам. Ва бутун рус халқию Россияга эми, жаҳон адабиётига салмоқли ҳисса қўйган машҳур адабни бахтли қилолмаган АЕЛ ҳақида фикр билдиришни муштарийларга ҳавола қилсам. Еки афсонавий Спартак, Спитаменнинг ҳалокатларига, Ҳусайн Бойқаронинг хатоларига кимлар сабабини бўлганлигини бир эсга олайлик!

ва газетада бўлим мудури. Бир ойда беш марта маоши олардим. (Бир марта ҳокимликдан, икки марта газетадан, икки бор қалам ҳақи). Ҳеч маҳал аёлимнинг қўлига тўрхалта тутқазиб, бозор-ўчарга юборган эмасман. Бирор марта хиёнат қилмаганман. Улфатларим ҳам ўзига тўқ, ўқимшили, яхши идораларда ишлайдилар. Лекин (собиқ) аёлим негандир отасию акаси, опасио келиноийсининг йўриғига кўпроқ йўргаларди. «Ошсиз уй бор, жанжалсиз уй йўқ», дейди машойиҳлар. Жанжал бўлса, ўн-йигирма кунлаб отасининг уйдан бери келмасди. Бир чидайсиз, икки-уч чидайсиз. Дунёда ёлғиз қолган эркекдан-да даҳшатли махлуқот (!) бўлмаса керак. Камина ҳам ёлғиз қолган кунларим улфатчиликка зўр берардим.

Охириги можародан сўнг (собиқ) хотинимга очигини айтдим: «Хафа бўлмангу сиздан буткул кўнглим совуған...»

Оиламдан воз кечганлигимни эшитиб, дўстларим — обрўли, таниқли олимю қаламкашлардан бир қанчаси чин кўнглидан яраштириш учун ўртага тушиш истагини билдиришди. Мен эса, миннатдорчилик айтиб, рад этдим.

туриб фатвою ҳукм чиқарувчи қайнотая «жонқуяр»лар борки, уларнинг талқиню хоҳиши билан эр хотинини, хотин эса эрини тушунмайдиган бўлиб қолади. Зеро, «Чиққан қиз чигирқдан нари», дейди доно халқимиз. Мусулмончиликда эса: «Хотин учун энг ҳақлиги — эри, эр киши учун эса — онасидир!» деган ҳадиси шариф бор. Афсуски, айрим оилаларда ҳамон узатилган қизнинг ўз эгаси борлигини унутиб қўймоқдалар.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Газетада бўлим мудури эдим. Аёллар келишарди арз билан. Аксариятининг гап мазмуну бир хил: «Эрим ичади, рўзгорга қайишмайди, бегона аёллар билан илакишади... Агар: «Нега ичади, нега қайишмайди, нега юради?» деб савол қўйиб, чуқурроқ суриштирсангиз, сабабнинг бир учи аёлнинг ўзига тегиши аниқ!

«Неделка»да берилган эълолардан кўриб, эр истаган икки-учтасига хат эвдим. Мақсад уйланиш эмас, гап олиш! Учрашгач: «Олдинги турмушингиздан нега ажралгансиз?» деб сўрадим ҳар гап, ҳар берибдан. Гални «Э, қуриб кетсин»дан бошлашади. «Пешонаси шўр»лиги учун пиёниста (гидё-

РАК КАСАЛЛИГИ АЛМАТИДА ЕНГИЛДИ

Муболагасиз айтиш мумкинки, Қозоғистоннинг пойтахтида ракин даволашнинг энг сермақсул усули топилди. Бунда қозоқ врач-ихтиросиси Асилхон Мамаевнинг хизмати беқийс. Утган йили Асилхон ихтиро этган гелиотермик нур узатувчи нурлатгич («маҳаллий қуёш») ёрдамида асаб касалликлари, белегрик (радикулит), ортрит, ревматизм ва бошқа касалликлар муваффақиятли даволанаётган эди.

Жуда юқори ҳароратни бера оладиган сунъий нур таратувчилар ўзининг кўпчилик жохатлари билан қуёш нурига яқинроқдир. Бу нурлар тананинг касал жойига йўналтирилганида аллашинув жаранлари тезлашади, бўғинлар кенгайишига йўл очади, оғриқни йўқ қилади, асаб системасининг ишлаш фаолиятини мўътадиллаштиради. Доктор Мамаевнинг бу «маҳаллий қуёш»и нималардан иборат!

Бу ихчам кўтариб юришга қулай аппарат, оғирлиги атиги бир неча килограммдир. Ва дунё табобатида, бунга ўхшаш йўқ. Унинг ишлатилиши оддий бўлиб, беморларга ҳам руҳсат этилади. Бундай аппарат турли даволаш муассасаларида, сутка-

нинг турли вақтларида фойдаланилади. Бунинг учун уни электр розеткасига улаб қўйиш kifоя. Аппаратнинг ичидаги электр нури «нур-узаткич» деб аталмиш эластик қувур орқали узатилади ва уни касал тананинг зарур бўлган жойларига йўналтириш мумкин.

Асилхон Мамаев ўзининг ихтироси, шунингдек даволаш усулини врач-онкологларга тавсия этди. Бунда у юқори ҳарорат рақ клеткаларини ўлдиришини таъкидлади. Алматы онкология-радиология институтида бу «мўъжиза қуёш»ни амалда қўллаб кўришди. Биринчи сеанслардан оқ ҳайрон қоларли натижалар кузатилди. Бу даҳшатли касалликнинг кўкрак сути безлари ишини туридан кўпчилик аёллар тузалиб кетишди. Улардан бири Ўзбекистонлик. Навоий вилоятдан Қомила Абубакирова бу даргоҳга оғир аҳволда келган эди. У ҳаётдан ҳам умидини узганди. Уттиз сеандан сўнг эса сопа-соғ уйига қайтди!..

А. Мамаевнинг ихтиросини мутахассис-онкологлар қандай баҳолашапти!

Онкологларда раққа қарши кучли қурол пайдо бўлди, — дейди Қозоғистон

миллий академиясининг тиббиёт ишлари бўйича котиби онкология ва радиология институтининг директор ўринбосари, академик Санни Балмухонов. — Мамаевнинг ихтироси мавжуд даволаш усулларидан фарқ қилиб, ишларини сўриб олади. Ҳозир янада мукамалроқ аппарат устида иш олиб бориляпти. Мамаевнинг «мўъжиза қуёш»и катта натижалар беради.

Бу мақоладан сўнг юқоридан номлари зикр этилган врачларга кўпчилик мурожаат қилиши табиий. Минг афсуски, уларнинг имкониятлари ҳозирча чепланган. Чунки бу врачлар ихтиёрида бор-йўғи санокли аппаратлар мавжуд. Уларнинг серияли чиқарилиши учун Алматыда мақсус марказ очилмоқда. Уни ишлатиш ва Мамаев даволаш усули учун мутахассислар тайёрлаш керак.


Хуллас, Алматыда рақ касали енгилди. Унинг тузалмас касалликлар рўйхатидан ўчирилганлигига ишонинг келади.

«Азия»дан НИЛУФАР таржимаси



ҲАЙРАТ

Шов-шув



ОЛАМ ТИЛСИМЛАРДАН ИБОРАТ

МИТТИ МУЪЖИЗАЛАР

Австриялик муҳандислар дунёда энг митти мотор яратганга бел боғлашди. Моторнинг олимлар яратган дастлабки мурватлари катталиги чумолининг бошидан юзлаб баробар миттироқдир. У 1996 йили тайёр бўлиши керак. Тадқиқотчилар ушбу мақсад учун 1,5 миллион фунт стерлинг маблағ ажратилиши ҳақида кафолат олишди.

Моторнинг умумий ўлчами тўнағич бошидан кичикроқ бўлади. Бу нанотехника (митти механик қурилмалар яратиш тармоғи) соҳаси тараққийотидаги навбатдаги улкан қадам. Япон олимлари шундай миттироботни яратиш бўйича иш олиб боришяптики, у одамнинг қонтомири бўйлаб ҳаракат қилиб,

танадаги бемор органга керакли дорини етказиб беради.

Калифорния кимёгарлари ҳозирдаёқ келгуси авлод моторларини ҳаракатга келтирувчи батареяга яратишди. Қизил қон танақасидан юз баробар митти бўлган бу батареяга 20 милливатт қувват билан 45 минут давомида ишлаб туриши мумкин.

Нанотехниканинг ташаббускорлари инсон танаси ҳужайраларига кириб, уларга етган шикастни тузатиш ёки, масалан, атомма-атом янги молекулаларни йиғишга қодир механизмлар яратилишини башорат қилишмоқда. Бундай қурилмаларнинг барчаси микроэлектроникада қўлланилган технологиялар

асосида яратилади. Бироқ, улар микрочиплардан минглаб баробар митти бўлади.

Япония яқин ўн йил ичида нанотехнологияга 130 миллион фунт стерлинг сарфлаш ниятида. Олмония эса 60 миллион фунт стерлинг қийматга эга уч йиллик дастурга эга. Англия ҳам ушбу технология асосини яратиш дастурини ишлаб чиқди. У ҳукумат ва саноат компаниялари томонидан маблағ билан таъминланмоқда.

Хуллас, яқин беш-ўн йил ичида дунёда шундай митти техник қурилмалар яратилиши кутилмоқдаки, улар ёрдамида амалга оширилиши мумкин бўлган муъжизаларни эса биз ҳозирча тасаввур ҳам эта олмаيمиз.

Англиялик олимлар рапс уруғидан ирсий муҳандислик усули асосида арзон пластик олиш технологиясини ишлаб чиқишди. Бу пластик турли хил нарсалар — оддий полиэтилен плёнкадан тортиб шампун идишигача тайёрлашга яроқлидир.

Ковентридаги Уорвин университети биология факултети ходими доктор Мэлком Бенетти бошлиқ тадқиқотчилар гуруҳи бу кашфиётларини фермерларнинг аҳволини яхшилашди, деб ҳисоблашмоқда. Айни пайтда қайта тикланадиган, атроф муҳит учун

бактериялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган пластикнинг килограмми эса 3 фунт стерлингга тушмоқда.

Рапсга ирсий муҳандислик усули билан ушбу бактериядан олинган генлар киритилди. Америкалик олимлар гуруҳидан бири ҳудди шундай пластикни кресс-салат ўсимлигидан ҳам олишга муваффақ бўлишди. Бироқ, афсуски, у ҳужайра ядросида синтезлашиб кета бошлади. Бу агар ўсимлик далада ештирилса ҳосил нобуд бўлади деган гап эди.

Доктор Бенетти ва унинг

ЎСИМЛИКДАН ПЛАСТМАССА

мақбул хом ашёдан зарарсиз ва иқтисодий фойдали пластик ишлаб чиқариш йўлга қўйилишига кафолат беришмоқда.

Ҳозирги пайтда пластиклар нефтдан ишлаб чиқаришмоқда. Нефтни эса қидириб топиш, қазиб олиш жуда қimmatга тушадиган иш. Бунинг устига нефт қазиб олиш ва уни манзилга ташиш жараёнида тўкилиб кетиши, танкерлар ҳалокати, нефтни қайта ишлаш пайтида ҳосил бўладиган чиқират туфайли атроф муҳит тобора ифлосланмоқда. Ва бу жараён борган сари ҳавфли тус олмақда. Қолаверса, нефт қайта тикланмайдиган хом ашё.

Олимларнинг баҳолашича, ўсимликдан олинадиган пластикнинг таннархи қилосига 7 пенс туради. Нефтдан олинадиган ҳудди шу миқдордаги махсулот эса ундан ўн баробар қimmat. Яқиндан буён

ҳамкасблари афтидан бу тўсиқни ДА-14 деб номланган оқсилнинг ўхшашини ҳосил қилиш йўли билан бартараф этишди. Бу пластик уруғ ҳужайраларида туғунча шаклида ҳосил бўлади. Олимлар тез орада экинни далада синая қўришни режалаштиришмоқда.

Атроф муҳит муҳофазаси бўйича баъзи мутахассисларни далаларда ирсий аралашув билан тикланган ўсимликлар пайдо бўлиши ташвишлантирмоқда. Зеро улар бошқа экинлар билан чатишиб кетиши оқибатида зарарли организмлар пайдо бўлиши мумкин.

Бироқ Уорвин университети гуруҳи олимлари ўзлари ишлаб чиққан усулда бундай ҳавф йўқ деб тасдиқлашмоқда. Уларнинг таъкидлашича, «Бу ўсимликнинг кўпайиши хусусияти бир авлод давомида йўқолади».

Осмонда «армиялар», «жангоҳлар» кўта қўриқли тургани ааздан маълум бўлиб, назаримада, унинг сирини бутунлай аниқлаш ҳали ҳеч кимга наисб этмаган. Кейинг, яхнисе, оқдин тарихга бир назар солайлик.

«Феномен» комиссияси архини маълумотларидан:

* 1785 йил. Слезияда Уйест деган жойда генерал фон Козел дафн этилаётган эди. Тобут энди қабрга қўйилаётган пайти осмонда шахдам қадам ташлаб бораётган жангчилар сафи пайдо бўлди...

* 1849 йил. Вена яқинидаги Додина номи жой устида саф тортиб юрган армияни кўришди...

* 1888 йил. Хорватиялик Варасдин номи ерида одамлар осмонда кўйлаб ялтирай турган жанглар тутган офицер бошлаб бораётган отлаб оскарларнинг саф тортиб яшишини бир неча соат томоша қилдилар...

ОСМОНДАГИ ТААЖЖУБ

Ушбу галакти ҳодисалар тафенлати ўша пайтдаги гагетлар саҳифасида батафсил хикоят қилинган.

Шундай қилиб, одамлар осмонда ақл бовар қилмайдиган ниманидир кўрганлига шубҳа йўқ. «Осмондаги жанглар» ҳақида жуда кўйлаб маълумотлар мавжуд. Гувоҳлар, далиллар етарлича. Аммо бу ҳақда олимлар нима дейди?

Физика-математика фанлари доктори А. Гурвич бунга ўхшаш гаройиб отлар атмосферадаги мураккаб оптик ҳодисалар билан боғлиқ деб изоҳлайди:

«...Чунда сароб воқеалар сабабли йўлдан адашган сайёҳлар, «Учар голанд» ҳодисасига ярим қилиб ваҳимага тушувчи денгизчилар, осмонда йўқ шаҳар, тоғ, ороларни кузатиш одамлар — уларнинг ҳаммаси ҳавонинг турли таркибиданли туфайли пайдо бўладиган ҳодисаларга дуч келишган».

Атмосфера қатламиде уларнинг сирини тўғайли юзага келадиган сароблар америкалик физикалар А. Фрейзер ва У. Махлар томонидан батафсил тадқиқ этилган. Улар шу орқдан ўтган «ахборот ҳаво масасига тарқалиши жараёнида «атмосфера диванеси» турли хил манзараларни юзага келтиришини қайд этишди.

Сароб чиндан ҳам кўлай изох. Лекин, гап шундаки, аномал ҳодисаларнинг баъзи кўринишлари бу талқинга мутлақо мос тушмайди.

Мисол учун Белгиянинг Верве шаҳри аҳли осмонда авваси келган жангнинг ишоиди бўлишди. Қазиги бу тоғлик Ватерлоодаги жангдан бир рафта кейин рўй берди. Бу нима — замондан адашган саробми?

Яна бир мисол:

1956 йил ноябрда англиялик Петер Зикове ва Патрик Скитинг Кулани тоғига сафарга чиқшди. Улар кечин соат учда галакти шовинини ошнинг чодирларини зинасини ошиди ва осмонда «кўрнимас дуняманга йқ ўзишгагина зинаб шотланд йқичариларни кўришди. Тонда сайёҳларни яна осмондаги шовиқ-сурчалар ўйотиб юборди. Бу гап улар осмонда: «ўша шотландларнинг йлардай хориб, кўзга кўрнимас тоғларга қорқилиб-сириниб, кечиниб беришатигани» гувоҳи бўлишди. Петер ва Патрик Салайсахан шаҳрига тушиб меҳмонхона маъмурига кўрганларини айтиб беришди. Маъмур бу ҳодисага бошқалар ҳам гувоҳ бўлишганини айтди. Бу «1745 йили бўлиб ўтган жанг манзараси» экан.

Бути дунёга маълум бўлган Парапсихология тадқиқотлар жамияти аспертлари «Омон жангларининг» сирини ҳақиқий жанглар пайтида маконга жуда кучли психофизик қувват чиқиб кетишида деб ҳисоблашмоқда. Ушбу ваҳима, азоб-уқубат қоринмаси маконда муҳрланиб қолади ва кейин хатто кўн замонлар ўтиб, ўта сезгир инсанига эга одамлар онгида кўришни беради. Америкалик тадқиқотчилар Оуэн ва Претт ҳам шунга ўхшаш хулосага келишди. Улар юздан ортиқ «ўзга кўринган» ҳодисани таҳлил этиб чиқшди. «Осмондаги жанг»ни кузатиш ақсарият одамлар ўша пайтда ҳаққонланган ҳолатда бўлишганики, олимларнинг фикрича: улар шу босдан ҳам бошқалар сезмаган нарсани кўришган.

Бундан кейин чиқадик. «Осмондаги жанглар» одамнинг кўз ўнгиде эмас, онгида кечадими?

Хулоса чиқаришга шовилмасе ҳам бўлади.

«Замонда адашган сароблар» сирини Воронеждаги аномал ҳодисаларни ўрганиш қўмитаси мутахассислари олиб борган тадқиқотлар ошкор этсе ажаб эмас. Улар «Воронегеология» корхонаси ходимлари билан биргаликда Новохопер тектоник синигида экспедиция ўтказишди ҳамда бу ерда «Ер қувватининг чиқиб йўани» аниқлашди ва суратга олишди. Суратларда аномал жойлар тепаеида нур таратиб турган доиралар ва булутлар аниқ акс этиб турибди. Бундан ҳам муҳини, экспедиция раҳбарларидан бири Генрих Сизановнинг айтишича, улар бу жойда узоқ ўтмишда бўлиб ўтган ҳодисаларни суратга олишга муваффақ бўлишди...

Хонер дарбеси бўйича махсус апаратура ёрдамида олинган суратларда палатка, қасқан одамлар акси рившан кўриниб турибди... Сурат тушириладиган пайтда эса бунга ўхшаш ҳеч нарса йўқ эди. Бу ҳодисани поронеглик мутахассислар ҳам қуввати «хотира майдои»да сақлагани, сирини зонасида чиқиб кетган, узоқ ўтмишдаги ахборотнинг плёнкада муҳрлашиши билан изоҳлашмоқда. Гап шундаки, Узоқ Ватан уруши йиллари бу ердан мудофаа чизиги ўтган бўлиб, Л. Свобода кўмондонлигидаги чехословак полки қатнашган эди. Суратда акс этганлар, уларнинг кийинини, ҳаммаси шу даврга мос келди...

Бироқ воронеглик тадқиқотчиларнинг «хотира майдоини» мавжудлиги ҳақидаги башорати тасдиқланган тақдирда ҳам «осмондаги жанглар» тўғрисидаги жуда кўп жумбоқлар сирини гича қолдирди. Масалан, баъзи манбалар, арвоҳлар жинги пайтда нарсалар моддийлашганлиги ҳақида хабар беришди...

* 1686 йили Великобритания осмонда кўролли жангчилар ўтаётганлиги кузатишди. Айни пайтда ерда кўйлаб ялтирай қилиб соат иқоблар тушди.

* 1800 йили. Каледон номи жойда «осмондаги жанг»дан сўнг ерда дарахларнинг синганлиги, ўт-далаларда жуда кўйлаб қон излари пайдо бўлганлиги кузатишди.

«Осмондаги жанглар» ҳужжатли асосда қайд этилган бошқа сирли ҳодисалар ҳам бўлган. Уларга ҳовира изох йўқ. Бироқ ҳозирги замон олимлари айтишинча, «сароблар жанг»нинг диний афеоналарга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ҳодиса вақти-саоти келиб аниқ моддий изохини топади.



Р. АЛЬБЕКОВ сурати

ИМКОНЯТЛАР БЕҚИЭС

Компютерни билиш, у билан бемалол тиллашиш, компютерли бўлиш оддий ҳодисалиги жиҳатидан Япония биз учун тимсол. Лекин у бу соҳада карвонбоши эмас экан. У АҚШдан жуда орқада қолмоқда. Япония ишбилармонларнинг бор-йўғи 10 фоизгача шахсий компютерлардан фойдаланишди, бор-йўғи 13 фоизи умуммиллий компютер тармоғига уланган. Америкаликларнинг эса 50 фоизи ана шу имкониятдан баҳраманд. Ҳукумат муомасалари, университетлари, компанияларнинг баъзиларига бир-бирлари билан ушбу энг замонавий алоқа воситаси ёрдамида муомала қилишади. Японлар иқтисодда кейинги йилларда пайдо бўлган кўнгилисиз жараёнлар бевосита компютер қолақлиги билан боғлиқ деб ҳисоблашмоқда. Шу босдан мазкур соҳада инкилоб қилишни зудлик билан кун тартибига қўйишмоқда. Жумладан, XX аср муъжизаларидан бири бўлиши компютерга ёш авлодни ялпи ўргатиш ўта муҳим вазифа деб ҳисобланмоқда. Зеро японлар ушбу муъжизанинг XXI асрдаги беқиёс имкониятларини ёрқин англаб туришибди.



рида туради. Аммо уларнинг талабига кўра ўша «Мариана» телевидение орқали ўн мартача намойиш қилинган кўзимизни очиши керак, яъни майда мавзу деган гап ниҳоятда нисбий, у кўпинча ўзини ўзи даҳо деб юрувчилар учун ўз-ўзини оқлашга уриниш, ўз-ўзига юпанч қидириш, холос. Узоққа бормай, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»ини олайлик ёки Қодирийнинг «Уткан кунлар»ини. Асосан бахшиёна айтилган ишқий гаплар (дуппа-дуруст адилбаримиз яқинларда ҳам «Уткан кунлар»ни шунчаки эртатка ўхшаган нарса, деб минбарлардан гапирган). Лекин Чўлпон ва Қодирийнинг буюклиги, суоқлиги шундаки, улар ҳам Навоийнинг беназир ғазалларидан кўра эртак ва дostonларнинг тезроқ ҳазм қилишга кўникиб кетган «авом» ўзбекининг аксар қисмини ташкил этишлигини жуда теран илғаб етганлар. Энг нозик фикрларни, ўта улкан гоёларни ўшалар севган «эртаклар»нинг ич-ичига сингдирбгина уларни «ўзимизникилар»га айланти-

Юлдузлар меҳмонхонаси

ни билан у борган тўқайга умуман тўнғиз ораламай турволиши мумкин.

— Баъзилар фалон нарсани ёзаман, деб амалда ҳам ёзишди-ку.

— Ундайлар, менимча, ёзмоқчи бўлган ўша асарини аллақачон чала-чулла қоралаб қўйган бўлишди. Қораланган асар эса — ярадор қилинган тўнғиз, унинг изидан бориб, ишни охирига етказса бўлади.

— Анвар ака, сиз шунингдек, замонавий шеърини шаклларда, арузда, болаларбоп тилда ҳам гўзал асарлар яратгансиз. Пьесаларингиз бор. Бунақа қамров ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Узингиз бунни қандай изоҳлайсиз!

— Ҳа, шунақа ёзиб келаяпман, ни-

— Эшитишимча, асарларингизни тўшакка ётқолиб ёзар эмишсиз. Нега бундай!

— Ҳар қандай ижоднинг замирида ишқ ётади. Ишқий юмушларни эса иложи борича ўтириб, айниқса, тик туриб бажармаган маъқул.

— Агар шу ётишингизда Саид Аҳмад домла кириб қолса нима қила-сиз!

— Куч синашмоқчи бўлсангиз ётинг, дейман...

— Янглишмасам, фарзандларингизнинг барчаси ўғил. Дилингизда шунча ўғиллик бўлганингиздан ўзбеки она фахрланиш ҳисси борми!

— Ҳам фахрланаман, ҳам шукроналар айтаман.

АНВАР ОБИДЖОН:

ОДАМ ЧИРОЙЛИ
БЎЛИШ УЧУН КУЛАДИ

Аламазонни танийсиз [«Ялтироқ тугма»даги-да]. Бир оз шум, ҳийла қувноқ, пича гамгин (хомушроқ маъносидан) йигитча. Мен Анвар акани ўзининг ана ўша қахрамонига ўхшатаман. Узини бу фикримни исботлаганман ҳам, яъни шумлиги Гулматнинг ғазалларида, қувноқлиги ҳажвиетида (айниқса, митти ҳажвларида), хомушлиги эса ҳали адабиётшунослар томонидан бутунлай ўрганилмаган шеърятда кўринади. Биласизки, Аламазон ўз бошидан жуда кўплаб кечмишларни ўтказди, қирмаган кўчаси қолмайди. Эшитишимча, Анвар ака ҳам то ёзувчи бўлиб танилганича ҳийла «романтик» ҳаёт йўлини босиб ўтган [пахта бригадасида табелчилик, туман газетида мухбирлик қилган ва ҳақозо]. Хуллас у, дорилфунунини тугаллаб, пойтахтнинг бирор нашрида ишлаб [одатдагидек], ёзувчи бўлиб қолмаган. Қолаверса, Анвар ака назаринда, ҳаётда ҳам анча жўн, одми одам, қоллардан йироқ. Бунақа одам билан сўхбатлашса арзийди, нима дедингиз!..

— Анвар ака, сўхбатимизни ғалати-роқ савол билан бошлашак, яъни демокриманки, одам нима учун кулади!

— Узи билмаган ҳолда чиройли бўлиш учун... Лекин қаққа бошқа нарса — ҳумордан чиқиш, яхши маънодаги бангилик.

— Аксинча, нима учун йилгайди! — Бир дақиқа бўлса ҳам чақалоқлигига қайтиш учун. Бу ҳам ўзига хос бир покланишдир.

— Назаринда, бизнинг ўзбек ҳажвчилиги «майдалашиб» кетаётгандай. Масалан, биз ҳар тугул яхшироқ билган ўрис ҳажвчилигини олайлик, уларнинг ҳажви ўта кулгили ва шунингдек, ўта иқтисодий. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз!

— Бир қараганда, мавзу ҳақиқатанам йирик ёки майдага турланади. Аслида йирикнинг ҳам, майданинг ҳам ўз муҳлислари бор ва уларнинг аксарияти ҳар қандай жамият, ҳар қандай шароитда ҳам ўз гуруҳларида қолаверади. Қандайдир ўта майда, бачкана кўринувчи «Мариана»ни-ки эринмасдан ойлаб томоша қилганларни буткул айблайверганимиз билан қуруқ қошиқда оғиз йиртиб юраверамиз. Италия қўдратли давлат, италянлар жаҳондаги энг маданиятли, илғор фикрловчи халқлар қато-

риш мумкинлигини ҳайратланарли тарзда жуда эрта тушуниб олишган.

Ўзбек хом саримсоқ ейишни ёқтирмайди. Бунинг ягона йўли саримсоқни у азал-азалдан яхши кўрадиган ошга қўшиб пишириб едириш. Аммо ошпаз зўр бўлиши шарт. Шавлага ўхшаб қолган ош ҳам, ундаги саримсоқ ҳам ҳеч кимга ҳузур бағишлолмайди. Айтмоқчиманки, асосий гап маҳоратда, «катта мавзу»ни бемаза қилиб ёзгандан кўра «майда мавзу»ни «ўрмалатиб қўйиш» минг марта афзал — ло-ақал дидни, завоқни, тилни «тарбиялайди»-ку. Қодирийчилар эса нафақат назокатни, улкан ватанпарварликни ҳам дилларга сингдиришди.

— Нега энди бизларда ёзувчилар билан қизиқчиларнинг ҳамкорлиги деярли йўқ!

— Ёзувчи — дарахт, қизиқчи — шамол. Шамол дарахтни топиб бориб, силаб-сипалайверса, ҳамкорлик пайдо бўлиши мумкин.

— Ўрис ва Оврўпо ёзувчиларининг катта-катта ҳажвий асарлари бор. Кишининг ҳаваси келаркан. Албатта гап ҳажвда эмас, лекин маза қилиб ўқибган китобингнинг тугамаслигини ҳам истаркансан-да. Афсуски бизларда...

Ҳажвчининг уруғи сероб. Кутиб туратуринг-чи. Шундақа «каттабосар» ҳажвчи туғилди дегунча, ўшандақа асарлар ҳам албатта ёзилади.

— Мен шунақа асарни сиздан кутган бўлардим, балки режаларингиз бордир!

— Мен ниҳоятда режасиз одамман. Мен орзу-ҳавас, жуда нари борса яхши ниятга таяниб яшайман. Овчи эртага тўнғиз отишни режалаштирга-

ма чекким келса чекавераман, нима ёзгим келса ёзавераман. Бу яхшими, ёмонми, тўғрими ё нотўғрими, уёғини билмайман ҳам, билишни хоҳламайман ҳам. Бунни изоҳлашни тақдир бошқа бир кимсаннинг зиммасига юклаган бўлса ажабмас.

— Кечирасиз, сўхбатимиз жуда жиддийлашиб кетди. Айтингчи, ҳажвчи Анвар Обиджон ҳозир нималардан «кулмоқда»!

— Гоҳ таниш-билишларнинг сўрови билан, гоҳ ҳуморбосди учун «тишсиз» нарсаларни амаллаб турибман. Бу ўзим учун ҳам оғир, ҳам зерикарли. Узи адабиётда зигирдек кина вазифам бор эди, шуниям бажариб бўлдим шекилли, деб ўйлаб қоламан баъзан ва сесканиб кетаман.


— Уғиллар тарбиясида асосан нималарга эътибор берасиз!

— Алоҳида тарбиявий услубим йўқ, улар билан кам гаплашаман, ишига, ўқишига кам аралашаман. Аммо уларнинг рўзгордаги эртакча ишларни билишлари, жисмоний чинқишлари, майдароқ бўлсам биронта касб-хунар ўрганиб қўйишларига алоҳида эътибор билан қарайман. Биринчи бўлиб бировага ёмонлик қилмаслик, кучсизларни ранжитмаслик кераклигини кўп уқдираман.

— Болани калтаклашга қандай қарайсиз!

— Баъзан калтаклаганман. Лекин бу жуда нафратланарли усул. — Қизингиз йўлигига ўқинасизми! — Танграм нимани берса, шунга қаноат қилишга имкон қадар тиришиб келаяпман.

Наби ЖАЛОЛИДДИН сўхбатлашди



Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадаҳон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Мухаббат ИБODOVA, Ҳалим САЙИДИ (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФOЕВ, Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино,

3-қават

Телефон: 39-43-95

Иқром ИСКАНДАР навбатчилик қилди.

Обуна индекси — 64654

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма № Г-1159. 18634 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.